Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 236 (9732). • 1989 йил 12 декабрь • сешанба • Баҳоси 3 тийин.

БУГУН — МОСКВАДА СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ II СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАЙДИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1989 йил 9 декабрь куни КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми бўлди. Пленум муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилди:

1. СССР халқ депутатлари иккинчи Съездининг масалалари.

2. КПСС Марказий Комитети Россия бюросини ташкил этиш тўғрисида.

3. Ўрни бўшаб қолган депутат ўрнига Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳақида ва КПССдан СССР халқ депутати сайловини белгилаш ҳақида.

4. КПСС Марказий Комитетининг Совет халқига, коммунистларга Мурожаатномаси тўғрисида.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев ва СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков биринчи масала юзасидан ахборот бердилар.

«КПСС Марказий Комитети Россия бюросини ташкил этиш тўғрисида»ги иккинчи масала хусусида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев доклад қилди.

Пленумда КПСС Ленинград область ва шаҳар комитетларининг биринчи секретари Б. В. Гидаспов, КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари В. К. Месяц, Қозоғистон Компартияси шимолий Қозоғистон область комитетининг биринчи секретари С. А. Медведев, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. Н. Слюньков, Украина ССР Министрлар Советининг Раиси В. А. Масол, Кавказорти ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони В. А. Патрикеев, КПСС Кемерово область комитетининг биринчи секретари А. Г. Мельников, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, М. В. Ломоносов номли Москва давлат университетининг ректори А. А. Логунов, Белоруссия Компартияси Минск область комитетининг биринчи секретари А. А. Малофеев, СССР ички ишлар министри В. В. Бакатин, Ленинграддаги «Позитрон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг микросхемалар йиғувчиси Т. И. Снеткова, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Ю. А. Прокофьев, СССРнинг Буюк Британиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси Л. М. Замятин. — Ҳарбий Кенгаш аъзоси — Болтиқбўйи ҳарбий округи сиёсий бошқармасининг бошлиғи — О. В. Зинченко, КПСС Куйбишев область комитетининг биринчи секретари В. Г. Афонин, СССР Ёзувчилар уюшмаси правлениесининг секретари А. Б. Чаковский, КПСС Рязань область комитетининг биринчи секретари Л. И. Хитрун, РСФСР Министрлар Советининг Раиси А. В. Власов, КПСС Хабаровск ўлка комитетининг биринчи секретари В. С. Пастернак, КПСС Краснодар ўлка комитетининг биринчи секретари И. К. Полозков, РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси В. И. Воротников, СССР Ёзувчилар уюшмаси правлениесининг биринчи секретари В. В. Карпов, КПСС Томск область комитетининг биринчи секретари В. И. Зоркальцев сўзга чиқдилар.

Пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди, бу қарорлар матбуотда эълон қилинмоқда.

Марказий Комитет Пленуми ўрни бўшаб қолган депутат ўрнига Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатди ва КПССдан СССР халқ депутати сайловини Марказий Комитетнинг навбатдаги Пленумида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг «Совет халқига, коммунистларга» мурожаатномасини қабул этди, бу мурожаатнома матбуотда эълон қилинади.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди.

Пленум Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. А. Ивашкони КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси этиб сайлади.

Пленум И. Т. Фроловни КПСС Марказий Комитетининг секретари этиб сайлади ва «Правда» газетасининг бош муҳаррири қилиб тасдиқлади.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1989 йил 9 декабрдаги қарори

СССР халқ депутатлари иккинчи Съездининг масалалари

1. СССР халқ депутатларининг иккинчи Съездини ўтказиш масалалари юзасидан КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг нутқида баён этилган фикрлар ва хулосалар маъқуллансин.

2. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми СССР ҳукуматининг иқтисодиётни соғломлаштириш тадбирлари, иқтисодий ислоҳотнинг босқичлари ҳамда ўн учинчи беш йиллик планини ишлаб чиқишга принципиал ёндашувлар тўғрисида СССР халқ депутатлари Съездининг муҳокамасига киритиладиган таклифларини қўллаб-қувватлайди.

3. 1990 йилнинг январида КПСС XXVIII съездига тайёргарлик масалалари юзасидан КПСС Марказий Комитетининг кенгайтирилган Пленумини ўтказиш тўғрисидаги таклиф қабул қилинсин.

Марказий Комитетнинг Сиёсий бюросига Пленум қатнашчиларининг таркибини белгилаш ва зарур материалларни тайёрлаш топширилсин.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1989 йил 9 декабрдаги қарори

КПСС Марказий Комитети Россия бюросини ташкил этиш тўғрисида

1. КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил сентябрь Пленумида тасдиқланган «Ҳозирги шароитда партиянинг миллий сиёсати» ҳаракат дастурига биноан қуйидаги составда КПСС Марказий Комитети Россия бюросини ташкил этилсин:

М. С. Горбачев — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, бюро Раиси

В. И. Воротников — РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси, бюро аъзоси

А. В. Власов — РСФСР Министрлар Советининг Раиси, бюро аъзоси

Б. М. Володин — КПСС Ростов область комитетининг биринчи секретари, бюро аъзоси

Б. В. Гидаспов — КПСС Ленинград область ва шаҳар комитетларининг биринчи секретари, бюро аъзоси

В. А. Коптюг — СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, СССР Фанлар академиясининг Сибирь бўлимининг раиси, бюро аъзоси

А. М. Королев — Свердловск шаҳридаги «Уралмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг С. Оржоникидзе номли Уральск оғир машинасозлик заводи токарлар бригадири, бюро аъзоси

В. А. Купцов — КПСС Вологда область комитетининг биринчи секретари, бюро аъзоси

Ю. А. Манаенков — КПСС Марказий Комитетининг секретари, бюро аъзоси

В. Н. Плетнева — В. И. Ленин номли Кострома зиғир комбинатининг тўқувчиси, бюро аъзоси

Ю. А. Прокофьев — КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари, бюро аъзоси

Г. И. Усмонов — КПСС Марказий Комитетининг секретари, бюро аъзоси

Г. М. Ходирев — КПСС Горький область комитетининг биринчи секретари, бюро аъзоси

Л. В. Шарин — КПСС Амур область комитетининг биринчи секретари, бюро аъзоси

О. С. Шенин — КПСС Красноярск ўлка комитетининг биринчи секретари, бюро аъзоси

В. В. Чикин — «Советская Россия» газетасининг бош муҳаррири, бюро аъзоси

2. Бюрога РСФСР область ва ўлка партия ташкилотларининг КПСС сиёсатини рўёбга чиқаришга қаратилган фаолиятини мувофиқлаштириш, партия съездлари ва конференциялари, КПСС Марказий Комитети Пленумлари ва Сиёсий бюроси қарорлари бажарилишини назорат қилиш топширилсин.

Бюро ўз мажлисларини заруратга қараб, аммо бир ойда камида бир марта ўтказади. РСФСР партия ташкилотлари бажариши мажбур бўлган қарорларни қабул қилади.

Марказий Комитетнинг Россия бюроси амалий фаолиятда КПСС Марказий Комитетининг мавжуд аппаратидан фойдаланади.

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ

КПСС Марказий Комитети Пленумида СССР халқ депутатлари II Съезди масалалари юзасидан сўзлаган нутқи

Ўртоқлар!

Сиёсий бюро партия Марказий Комитетининг ушбу Пленумида СССР халқ депутатларининг яна уч кундан кейин ўз ишини бошлайдиган иккинчи Съезди масалалари юзасидан фикрлашиб олиш зарур, деб ҳисоблади.

Бу воқеанинг аҳамияти ҳаммамизга равшан. Съезднинг иши муваффақиятли бўлиб чиқишидан, аввало ҳозир ҳал этилиши ҳаётий зарурат бўлган масалалар съезднинг диққат марказида бўлишидан бутун жамиятимиз манфаатдордир. Маълумки, Съездга тайёргарликни махсус тузилган депутатлар комиссияси амалга оширмоқда. Съезд шу йил 12 декабрда очилади ва тахминан 22 декабрда тугайди, деб белгиланган. Съезднинг кун тартиби хусусидаги таклифлар Марказий Комитет аъзоларига ва Пленумнинг бошқа қатнашчиларига таниш. Тафсилотга берилмай, бу масалаларни Съезд муҳокамасига қўйишни нималар тақозо этганлиги хусусидаги баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтаман.

Аввало кун тартибига жамиятимизда вужудга келган ҳақиқий вазият нуқтаи назаридан ва СССР Олий Совети қилган ишни эътиборга олиб қараш керак.

Халқ депутатларининг бўлажак съезди кун тартиби ҳақида қизғин мунозара давом этаётганини айтиб ўтмоқчиман. Съездда муҳокама қилиш учун дастлабки тарзда тайёрлаб қўйилган ва Олий Совет томонидан маъқулланган масалалар билан бир қаторда бошқа кўпгина масалалар киритилган. Жумладан, бу Съезддаёқ мулкчилик тўғрисидаги, ер, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва маҳаллий хўжалик, солиқ сиёсати тўғрисидаги ва бошқа қонунларни муҳокама қилиб, қабул этиш тўғрисида таклифлар киритилди.

СССР Конституциясининг бир қанча моддаларини, жумладан, партиянинг жамиятдаги мавқеига тааллуқли 6-моддани, шунингдек иттифоқ ва республика органларининг ҳуқуқ доирасига тааллуқли моддаларни қайта кўриб чиқишни кун тартибига киритиш тўғрисидаги масала зўр бериб ўртага қўйилмоқда. Бу таклифларнинг ҳаммаси обдон муҳокама қилинганини ва натижада Олий Совет сизларга маълум масалаларни кун тартибига киритишни тавсия этганлиги эсингизда. Аммо мен мана шуларни қайд этиш билангина чекланиб қолмоқчи эмасман. Буни шарҳлаб бериш лозимдек туюлмоқда.

Қабул этилган ва ўзимиз тубдан ўзгартираётган иқтисодий системанинг ҳуқуқий пойдеворини ташкил этадиган қонун ҳужжатларининг биз учун, қайта қуришни янада ривожлантириш учун аҳамияти нақадар катталигига ҳеч ким шубҳа билдираётгани йўқ. Буни ҳамма яхши тушуниб турибди. Бироқ, мана шу қонунларнинг айни жуда муҳим аҳамиятга эга эканлиги уларни жуда чуқур, синчиклаб, пухта ишлаб чиқиш ва албатта муҳокама қилишни, таъбир жоиз бўлса, бутун жамият билан маслаҳатлашишни талаб этади. Чунки бутун мамлакатнинг, меҳнат коллективларининг, ҳар бир кишининг бундан бўёнги тақдири шу қонун ҳужжатлари билан боғлиқ бўлади.

Буни гапираётганимнинг сабаби шуки, депутатларнинг бир қисми гўё қимдир бу қонунларнинг қабул этилишини пайсалга солмоқчи ва шу тариқа туб иқтисодий ўзгартишларни, қайта қуришни тўхтатиб қўймоқчи, деган таассурот туғдириши мумкин бўлган мулоҳазаларни айтди. Бу нарса ҳақиқатга тўғри келмайди. Биз ҳаммамиз юқорида тилга олинган қонунлар имкони борича тезроқ қабул этилишидан манфаатдормиз. Бундан бўёнги ишда биз шу фикрга асосланмоғимиз керак.

Кун тартибини тузиш муносабати билан Олий Советда кенг муҳокама қилинган ва ҳозир Съезд арафасида афкор оммасининг диққат марказида турган яна бир масала ҳақида гапирмоқчиман. Бу ўринда СССР Конституциясининг партиянинг жамиятдаги раҳбарлик мавқеига тааллуқли 6-моддаси тўғрисидаги масалани назарда тутяпман.

Мен ва бошқа ўртоқлар бу масала ҳақида принципиал руҳда гапиришимизга тўғри келган эди. Бироқ Марказий Комитет бу ҳусусда аниқ ва равшан позицияда туриши кераклиги кўриниб турибди. Бизнинг принципиал позициямиз шундан иборатки, биз ленинча раҳнамо партия концепциясига қатъият билан амал қиляпмиз. Мамлакатимиз тараққиётининг тақдири ҳал бўлаётган ҳозирги босқичда халқнинг барча соғлом кучларини тарихий вазифани ҳал этишга — социализмни янгилашга бирлаштиришга қодир бўлган кучли сиёсий партия ҳаётий зарурдир.

Гапнинг моҳияти мана шунда. Биз КПССни жипслаштирувчи, бирлаштирувчи куч деб, Советлар мамлакатини революцион тарзда янгилашнинг, унинг қудратини сақлаб қолиш ва кўпайтиришнинг, халқаро обрў-эътиборини ва нуфузини мустаҳкамлашнинг кафили, деб биламиз. Партиянинг обрў-эътибори, унга бўлган ишонч уни жамиятнинг сиёсий раҳнамоси бўлишдек ўз мавқеини нақадар муваффақиятли бажариши билан белгиланаётганлиги ҳам бизга равшан. Ишни гўё КПССнинг мавқеи 6-модда билангина белгиланади, деб талқин этиш — одамларни чалғитиш, йўлдан оздиришни билдиради. Партиянинг аҳамиятини камайтириш, меҳнаткашларнинг кўз ўнгида унинг обрў-эътиборига путур етказиш йўлидаги уринишларга қарши Марказий Комитет қатъият билан курашаверади. Бу нарса равшан бўлмоғи керак.

Бизнинг 6-моддага муносабатимиз мана шундан келиб чиқади. Биз жамиятни қайта қуриш йўлига кирдик ва шу йўлдан боряпмиз, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ислоҳотларнинг, Совет федерациясини қайтадан ташкил этишнинг янги босқичлари олдинда турибди. Ана шуларнинг ҳаммаси СССР Конституциясига ўзгартишлар киритишни, охир оқибатда эса янги Асосий Қонунни вужудга келтиришни талаб қилади. Ана шу жараён доирасида ҳар қандай модда қайтадан идрок этилиши ёки чиқариб юборилиши масаласи ўртага қўйилиши мумкин. Бу гап 6-моддага ҳам тўлатўкис тааллуқлидир, дарвоқе Ленин даврида қабул этилган биринчи Совет Конституциясида партиянинг раҳнамолик мавқеи тўғрисидаги мана шундай махсус модда йўқ эди. 1936 йилги Конституцияда ҳам бу мавзу гражданларнинг бирлашмалар тузиш ҳуқуқига татбиқангина тилга олинган эди.

Шуни айтиш керакки, мамлакатда ривожланиб бораётган демократик жараён ва КПССнинг янгиланиши шароитида мазкур модда ўз-ўзидан сайловни эркин ўтказиш учун ҳеч қандай тўсиқ қўймайди. СССР Олий Советига ўтказилган сайлов ҳам, маҳаллий ва республика ҳокимият органларига ўтказиладиган сайловга тайёргарликнинг бориши ҳам шуни кўрсатди. Мамлакатимиз олий ҳокимиятининг янгидан тузилган органлари фаолиятидан ҳам мана шундай хулоса келиб чиқади, бу органларда халқчиллик, кенг ошкоралик, фикрларнинг эркинлиги ҳукм сурмоқда.

Шу сабабли 6-модда тўғрисидаги масалани шундай билан муҳокамага қўйиш тўғрисидаги талаб, унга фавқулодда аҳамият бахш этиш йўлидаги уринишлар мутлақо бошқа мақсадларни кўзлайди. Шу йўл билан коммунистларни тушкунликка туширишга, қайта қуришнинг бурилиш босқичида уларнинг фаоллигини пасайтиришга, партияни меҳнаткашларга қарама-қарши қилиб қўйишга уринмоқдалар. Биз бундай уринишларга қатъиян қаршимиз. КПССни ўз манфаатларининг ишончли ҳимоячиси деб билаётган, унинг қайта қуришга, социализмга содиқлигини қадрлаётган, у қатъий революцион ҳаракат партияси бўлиб қолишини хоҳлаётган кўпгина совет кишилари бундай уринишларга қарши норозилик билдирмоқдалар.

Бугун Марказий Комитетнинг Пленумида қуйидагиларни айтиш зарур, деб ҳисоблайман: КПСС жамиятни янгилаш тарафдори бўлган, ҳамкорлик ва жипслашувдан манфаатдор бўлган барча жамоат кучлари билан кенг мулоқотга тайёр. У — турмушимизнинг турли соҳаларида тўпланиб қолган барча муаммоларни ҳал этишга амалий руҳда ёндашиш тарафдоридир. Партия мамлакатдаги демократик жараённи авж олдириш йўлини қатъият билан ҳимоя қилавериши эса энг муҳимдир.

Бундан ташқари, партия қатъиян янгиланиш йўлига кирди ва бу жараён партия фаолиятининг барча томонларини қамраб олмоқда. Биз КПССнинг XXVIII съездига ҳозирлик кўраяпмиз, программавий аҳамиятга эга бўлган янги Устав ва ҳужжат тайёрланмоқда. Авж олиб бораётган съездолди мунозарасининг диққат марказида ҳозирги шароитда партия қандай бўлиши, ҳозирги жамиятда у қандай роль ўйнаши зарурлиги масалалари турибди ва бу масалалар партия съезднинг ишида етакчи ўринни эгаллайди.

Кун тартибига доир мунозара замирида қандайдир муаммолар ҳал этилмаганлигидан, бу эса қайта қуриш, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар ўтказиш жараёнига тўсқинлик қилиши мумкинлигидан хавотирлик сезилаётганлиги муносабати билан бир таклифни айтмоқчиман. Ушбу таклиф хусусида иккинчи Съездда масалаҳатлашиб олишни назарда тутяпмиз.

Бу борада мен бир ўхшаш воқеани эслатиб ўтмоқчиман. Маълумки, Олий Совет Конституциясининг сайлов системасига тааллуқли бўлимларига анча жиддий ўзгаришлар тайёрлади ва бу ўзгаришлар съездда тасдиқлаш учун тақдим этилади. Аммо ана шу ўзгаришлар қабул қилинганига қадар Съезд улар асосида ҳокимиятнинг республика ва маҳаллий органларига сайловга тайёргарлик юзасидан Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишларини авж олдириш зарур деб топди.

Энг муҳим Қонун лойиҳаларини қабул қилишни жадаллаштириш зарурати муносабати билан ҳам ана шу ўхшашликдан фойдаланиш мумкин бўлур эди. Юқорида мулк тўғрисида, ер тўғрисида, социалистик корхона, солиқ системаси ҳақида гап борди. Съезд Олий Советга ана шу Қонун лойиҳаларини Конституцияга киритиладиган зарур тузатишлар билан биргаликда кучга киритиш ваколатини берган бўлур эди, бу масала СССР халқ депутатларининг кейинги, III Съездида кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши шарт, албатта.

Шу тариқа бизда конституцион доирани аста-секин янгилаш, уни қайта қуриш давомида юзага келаётган янги муҳим ҳужжатлар билан тўлдириш жараёни амалга оширилади. Давлат мавжудлигининг негизи бўлган Асосий Қонун сақланиб қолади ҳамда айни пайтда ҳуқуқий норма билан воқелик ўртасидаги тафовут бартараф этилади.

Конституцион комиссиянинг мажлисида шу тўғрида гап борди. Мажлисда Асосий Қонунни ишлаб чиқишга доир муҳим ёндашувлар муҳокама қилинди. Янги Конституцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни жадаллаштириш тўғрисидаги масала ўртага қўйилиши мумкин ва аслида шундай бўлди. Бу борада бизда янгиланган ижтимоий механизмнинг белгилари, ҳокимият ва бошқарув органларининг мақбул структураси, сиёсий кучларнинг ўзаро таъсир тартиби, иқтисодий системанинг тузилиши ва амал қилиши принциплари, граждан ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатлари, миллий давлат тузуми, федерациямиз формалари, ҳуқуқий социалистик давлат характери маълум даражада аниқ бўлмагунча янги Конституцияни ишлаб чиқиш мумкин эмаслиги бутунлай равшан бўлиши лозим.

Буларнинг ҳаммаси ҳозир шаклланиш жараёнида турибди, биз ҳали кўпгина саволларга жавоб беришимиз лозим. Шундай вазиятда янги Конституцияни қабул қилишни тезлаштириш зарурати йўқ, албатта. Бундай ёндашув бизни ноқулай аҳволга солиб қўйган бўлур эди: биз янги Асосий Қонунни қабул қилиб, иккинчи ёки учинчи куниёқ унга тузатишлар киритишга, бу билан унинг нуфузини жиддий синовдан ўтказишга мажбур бўлур эдик. Бунинг устига, Совет ҳокимияти тарихидаги бешинчи Конституция тўғрисида гап бораётганлигини унутмаслигимиз керак, ўртоқлар. Келинглар, бу гал шундай қонун яратайликки, мамлакат узоқ вақт унга амал қилиб яшасин.

Ўртоқлар, ана шуларнинг ҳаммаси тўғрисида гапирар эканман, шуни яна бир бор таъкидламоқчиманки, бундай ёндашув бугун ёки эртага ҳал этиш зарур бўлган муаммолардан ўзимизни четга тортиш муддаосини асло билдирмайди. Конституция нормалари бундай қилишга халақит берадиган жойларда шу нормалар қайта қуриш жараёнларига, жамиятни янгилашга сунъий равишда халақит бермаслиги учун уларни қайта кўриб чиқиш лозим, албатта.

Съезднинг кун тартибидаги асосий масала — мен бу ҳақда бир неча оғиз гапирмоқчиман — ҳукуматнинг «Иқтисодиётни соғломлаштиришга оид тадбирлар, иқтисодий ислоҳот босқичлари ва ўн учинчи беш йиллик планни ишлаб чиқишга принципиал ёндашувлар тўғрисида»ги докладидир.

Мамлакат меҳнаткашлари, бутун аҳоли молия соҳасидаги ва истеъмол бозоридаги кескинликка барҳам беришга оид ҳаракат плани қандай, халқ хўжалигимизга янада жўшқинлик бағишлаш, уни ҳақиқатдан самарали, одамлар ва жамиятнинг хилма хил эҳтиёжларини қондира оладиган қилиш учун иқтисодий ўзгартишларни амалга ошириши қай тариқа жадаллаштириш мумкин, деган саволларга жавоб кутмоқда.

Шуни айтиш керакки, СССРни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг 1990 йилги Давлат плани ва Давлат бюджетини тасдиқлаш доирасида бу борада дастлабки қадам қўйилди. Ҳозир ишлаб чиқариш, молия ва ижтимоий соҳада белгиланган барча кўрсаткичлар бажарилишини таъминлаш зарур. Хуллас, планнинг бажарилиши ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳамма яхши англаши лозим. Бу борада партия ташкилотлари олиб борадиган тушунтириш ва бошқа ҳар томонлама амалий ишлар беқиёс аҳамиятга эга.

Ҳозир биз 1991 йилга ҳам, яқин истиқболга ҳам назар ташлашимиз керак. Н. И. Рижков ўз докладида ана шуларнинг ҳаммаси ҳақида батафсил гапиради. Назаримда, муҳим аҳамиятга эга бўлган бир неча мулоҳазаларнигина айтмоқчиман.

Иқтисодиётдаги ҳозирги қийинчиликларни бартараф этиш, уни соғлом, барқарор ривожлантириш йўллари тўғрисида қандай кескин мунозара бораётганлигини биламиз. Иккинчи Съездда мана шуларнинг ҳаммасига якун ясаш, ҳукумат таклиф этаётган тадбирларни ҳар томонлама муҳокама қилиш, агар талаб этилса, уларни тўлдириш ва шу асосда аниқ-пухта, конкрет ҳаракат программасини ишлаб чиқиш зарур. Съездда ушбу масалани амалий, вазмин ва масъулият билан муҳокама қилиш лозим. Барча халқ депутатларини шунга даъват этишни истардим.

Буни айтишни муҳим деб ҳисоблаётганлигимнинг боиси нимада? Гап шундаки, олимлар орасида ҳам, мутахассислар орасида ҳам, жамиятда ҳам ғоят хилма-хил фикрлар билдирилмоқда. Биз эса пировард натижада бир фикрга келишимиз керак. Шунинг учун биз ниҳоятда сергак бўлишимиз, барча томонларнинг далил-исботларини диққат-эътибор билан тинглашимиз ва амалий ҳаракат қилишимиз лозим.

(Давоми иккинчи бетда).

ДЕПУТАТЛАР, ИШГА!

МОСКВА, 11 декабрь. Бугун СССР халқ депутатларининг иккинчи Съезди очилиши арафасида республикамиз вакиллари Ўзбекистон ССРнинг Москвадаги Доимий ваколатхонасида йиғилдилар. Депутатлар Съезд кун тартибини муҳокама қилдилар, позицияларини аниқлаб, уни мувофиқлаштириб олдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқида, бошқа депутатларнинг нутқларида қайта қуришнинг муваффақияти йўлида мамлакатимиздаги барча меҳнаткашлар, барча республикалар куч-ғайратларини бирлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Ҳар бир депутат мустақил сиёсий шахс эканлиги шубҳасиз, албатта. Аммо бирликка эришилиши лозим бўлган кўпгина муҳим омиллар ҳам бор. Масалан, Ўзбекистон учун аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва уни иш билан тўла таъминлаш, табиий мўҳитни соғломлаштириш, Орол-ни қутқариш масалалари ниҳоятда ўткир бўлиб турибди.

— Асосан халқ хўжалигини юксалтириш режасига эътибор беришимиз керак, — дейди СССР халқ депутати, Андижон чет тиллар педагогика институтининг ректори М. И. Умархўжаев. — Биз Н. И. Рижковнинг экономикани соғломлаштириш тадбирлари, хўжалик ислоҳотининг босқичлари ва ўн учинчи беш йиллик планини ишлаб чиқишдаги принципиал ёндашувлар тўғрисидаги доклади билан танишиб чиқдик. Бу мўъжизани ваъда қилмайдиган, аммо мамлакатни танг аҳволдан чиқаришга қодир бўлган ҳаётий режадир.

— КПСС Марказий Комитетининг сўнгги Пленумида М. С. Горбачев айтган фикрни мен батамом қўллаб-қувватлайман, — деди Тошкентдаги самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси, СССР халқ депутати В. Т. Одилов. — Жамиятимизда партиянинг раҳбарлик мавқеини белгилаб берган 6-модда тўғрисидаги масалани Асосий Қонуннинг бошқа барча қоидаларидан ажратган ҳолда қараб чиқиш мумкин эмас.

Шундай қилиб, депутатлар эртага яна иш бошлайдилар.

Л. ЛЕВИН, И. ХИСОМОВ,
ЎзТАГ махсус мухбирлари.

М. С. ГОРБАЧЕВ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биз мунозара чоғида намоён бўлган бир ёқламалик билан келиша олмаймиз. Бир томондан, бу — хўжалик юритишнинг ўзини обрўсизлантириб қўйган эски буйруқбозлик усулларига даъват, бошқа томондан эса — реал имкониятлар билан ҳам, жамиятнинг кайфияти билан ҳам, одамларимиз бунга қанчалик тайёр ёки тайёр эмаслиги билан ҳам ҳисоблашмай, жадал суръатлар билан олға боришни талаб қилишдир. Бу қуруқ гап эмаслигини айтиб ўтирмаса ҳам бўлади. Бунда гап миллион-миллион ватандошларимизнинг тақдирига тўла даҳлдор бўлган муаммоларни ҳал этиш тўғрисида бормоқда. Нотўғри йўл танлаш меҳнаткашларнинг моддий аҳволига, демак, уларнинг қайта қуришга муносабатига таъсир қилади, жамият истиқболдан маҳрум бўлишига олиб келиши мумкин.

Партия ўзининг принципиал позициясини яна бир бор тасдиқлаши зарур ва уни шундай баён этиш мумкин: ҳаракат суръатларини мамлакатнинг реал имкониятлари ва совет кишиларининг энг муҳим манфаатлари билан пухта таққослаб, ислоҳот йўлидан оғишмай олға томон бориш даркор.

Жамиятнинг барча табақалари чуқур иқтисодий ислоҳот ўтказиш, хўжалик фаолиятининг одамлар ўзлари етиштирадиган маҳсулотнинг анча қисмини тасарруф этиш ва ўз меҳнати натижаларидан фойдаланиш имкониятини оладиган шароитларни қарор топтириш ёрдамидагина пайдо бўлаётган қийинчиликларни бартараф этиш, турмуш даражасини яхшилаш мумкинлигини англаши муҳимдир. Шу муносабат билан қатъий марказлаштирилган планлаштириш системасидан бошқарувнинг пухта системасига — марказий идораларнинг ўзини ўзи бошқарадиган корхоналар, кооператив ва бошқа хўжалик уюшмалари билан муносабатларининг маъмурий усулларига эмас, балки асосан иқтисодий усулларига ўтиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Яна бир нарса тўғрисида гапирмоқчиман. Бизларни сўлдан ҳам, ўнгдан ҳам яқинлашиб келаётган ҳалокат ва умумий инқироз билан жуда кўп чўчитмоқчи бўлаяптилар. Бу иш бизларга, мамлакат раҳбарларига нисбатан қилинаётган бўлса ҳам майли эди. Аммо у ёки бу далилларга кўпинча баҳо бера олмайдиган, зарур ахборотга эга бўлмаган кишиларга шундай қарашларни тиқиштиришга уринмоқдалар. Бунинг замирида аниқ сиёсий ниятлар яширинган. Шунинг учун партия органлари одамларни пухта, тўғри сиёсий қарашлар билан қуроллантиришлари керак. Шу тарзда иш олиб бориш лозимки, токи ижодий изланиш ва амалий ишлар қўллаб-қувватлансин, журъатли кишилар ҳимоя қилинсин, қайта қуришнинг ҳақиқий тарафдорлари учун қулай маънавий иқлим вужудга келтирилсин.

Халқ хўжалигимизни ривожлантиришдаги барча мураккаб муаммоларга қарамай, мамлакат жуда катта потенциалга — бой табиий ресурсларга, қудратли ишлаб чиқариш базасига, илм-фан соҳасида катта имкониятларга эга эканлигини, энг муҳими эса, билимли ва маҳоратли кишилар юксак самара билан меҳнат қила олишини кўра билиш даркор. Эндиликда гап биз амалга оширадиган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг мазмунини ташкил этадиган мана шу барча омилларни ҳаракатга келтиришда қолган.

Ҳозир Олий Совет қонунлар ишлаб чиққанлиги натижасида ўзгаришлар суръатини жадаллаштириш имконияти пайдо бўлди. Биз эса қайта қуришнинг энг муҳим йўналишларида жадал ҳаракатларни авж олдиришимиз лозим. Меҳнаткашларнинг асосий оммаси, жамиятнинг барча соғлом кучлари ана шу йўналишларда бирлашмоқда. Хўжалик юритиш усуллари ўзгараётган ҳозирги вақтда жамоат тартиби ва интизомини мустаҳкамлашга ғоят катта эътибор бериш зарур, албатта. Ишлар қонунлар ёки ҳукумат фармойишлари асосидагина эмас, шу билан бирга инсоний ҳалоллик, берилган сўзнинг ишончлилиги туфайли ҳам амалга оширилаётган пайтда хўжалик муносабатларининг янгича маданиятини шакллантиришга кўмаклашиш лозим.

Биз Марказий Комитет Пленумида кўпгина давлат, хўжалик идоралари ва ташкилотлар илгаригидек қайта қуриш талаблари асосида иш олиб бормаётганликларини қатъий айтишга мажбурмиз. Уларнинг ишларида маҳкамачилик, хўжасизлик, масъулиятсизлик шунчаки сақланиб қолмасдан, бу бошқарув аввалги системасининг ҳозирча бартараф этилмаган узвий иллатларидир. Ёмон томони шундаки, ана шу идоралар ва ташкилотлар ўз фаолиятида ижтимоий кескинлик манбаларини вужудга келтириб, одамларнинг талаб-эҳтиёжларига ва фикрларига нисбатан ҳамон қўпинча бепарволик қилмоқдалар.

Шуни айтишим керакки, биз ана шу мавзуга бевосита тааллуқли масалани кечагина ва бугун муҳокама қилдик. Бунда гап аграр секторлардан маҳсулот етказиб беришда узилиш бўлаётган йирик саноат марказларида таъминотнинг муайян даражасини сақлаб туриш учун шошилинч тарзда чора-тадбирлар кўриш тўғрисида бормоқда. Интизомнинг бундай бузилиши, шартномаларни бажаришга муносабат эртага «у томон» газ, нефть юборишни тўхтатиб қўйишига ёки электр станциялардан ток бермай қўйишига олиб келиши мумкин. Ана шундай ҳолатда нима қиламиз? Ўртоқ Ярин кеча Свердловскда шундай вазият вужудга келганлигини, фақат болаларга гўшт маҳсулотлари бера олиши мумкинлигини айтди. Ваҳолонки, маҳсулот етказиб берувчи аниқ ташкилотлар бор! Дарвоқе, Марказий Комитетда Россия Федерацияси область комитетларининг биринчи секретарлари билан бўлиб ўтган кенгашлардан кейин ўртоқлар ана шу масалаларни ҳал этиш тўғрисида ваъда берган эдилар.

Бундай ҳолатларга нисбатан тоқат қилиб туриш фақат партиянинг обрў-эътиборига, бутун қайта қуриш ишига зарар етказади. Фаол ҳаракат қилиш, партия комитетлари, бошланғич ташкилотлар орқали ва барча поғоналардаги Советларда коммунистлар орқали талаб қилиш лозим.

Ўртоқлар! Олий Совет Съездга бир гуруҳ конституцион — ҳуқуқий ва сиёсий масалаларни ҳам кўриб чиқишни тавсия этди. Булар орасида, энг аввало, Конституциясига республикаларда ва жойларда ҳокимият органларига бўлажак сайлов билан боғлиқ ўзгаришлар ҳамда қўшимчалар киритишни айтиб ўтиш керак. Мана шу қўшимча ва ўзгаришларнинг қабул қилиниши сиёсий ислоҳот иккинчи босқичи вазифалари ҳал этилишини билдиради, Советлар тўла ҳокимиятини мустаҳкамлаш партия ва давлат органлари вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш учун шарт-шароит яратади.

Кейинги вақтгача давом этган кенг ва қизғин мунозара натижасида барча республикалар ўзларининг олий ваколатли органлари тузишишини ва уларни шакллантириш тартибини белгилаб олдилар. Умуман, қутилганидек, жамиятда ана шу масалалар юзасидан бўлиб ўтган мунозаралар меҳнаткашларнинг юксак сиёсий фаоллиги билан ажралиб турди. Мунозара давомида келгусида кўриб чиқилиши лозим бўлган кўплаб таклифлар киритилди.

Съездда кўриб чиқиш мўлжалланаётган муҳим масалалар орасида СССРда Конституцион назорат тўғрисидаги Қонун лойиҳаси бор. Шуни айтиш керакки, жамиятимизда бу масалага зўр қизиқиш билдирилмоқда ва бу мутлақо асослидир.

Чунки ғап янги орган ҳақида боряптики, бу орган Асосий Қонуннинг қатъиян бажарилишини таъминлаши, Конституция нормаларига риоя этилишини, шу жумладан иттифоқ ва иттифоқдош республикалар, автоном тузилмаларнинг ҳуқуқ доиралари белгилаб қўйилиши масалаларини кузатиб туриши лозим.

Биз демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидан бораяпмиз, бундай давлатда бизга шундай орган ҳаётий зарурдир. Съездда унинг вазифасини эътиборга олиб, СССР Конституция назорати комитети составини тузиш тўғрисида масъулиятли қарор қабул қилиш лозим бўлади. Унинг раисига келганда биз бу лавозимга Сергей Сергеевич Алексеевни тавсия этишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. У СССР Олий Совети қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетига бошчилик қилмоқда. Ўртоқ Алексеев олиб бораётган ижодий, аниқ-равшан ва амалий позициялардаги иш натижасида у депутатлар орасида ҳам, жамиятда ҳам қўллаб-қувватланмоқда ва муносиб обрў-эътиборга сазовор бўлмоқда, деб айтсам ҳақиқатга хилоф иш қилмаган бўламан, деб ўйлайман.

Съезд ҳамда СССР Олий Совети иш тартибининг, депутатлар мақомини ва улар фаолиятининг бошқа масалаларини белгилаб берувчи қонунларнинг лойиҳалари ҳам халқ депутатлари муҳокамасига тақдим этилади. Ана шу ҳужжатлар халқ депутатларига ўзларининг кўп томонлама ишларини самаралироқ олиб боришга, сайловчилар, меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари билан алоқаларни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Шуни айтиш керакки, улар юзасидан жиддий, ўткир мунозара олиб борилди ва шу мунозара съездда ҳам давом эттирилса керак.

Уюшган жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш тўғрисидаги масалани съезднинг кун тартибига киритиш тўла асос билан таклиф қилинмоқда. Кишиларимиз ҳуқуқбузарликнинг ўсиб бораётганлигидан жиддий ташвишланмоқдалар.

Жиноятчилар сурбетлик билан тажовузкорона ҳаракат қилмоқдалар, экстремист гуруҳлар пайдо бўлди, аслини олганда жиноятчилар жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий негизларига дағдага қилмоқдалар, зотан биз мана шу ижтимоий иллатнинг пайини қирқиш учун зарур куч ва воситаларни сафарбар этишимиз шарт. Олий Советнинг қарорига мувофиқ қабул қилинган чора-тадбирлар ҳозир рўёбга чиқарилмоқда, муайян силжишлар рўй бермоқда, аммо ҳозирдаёқ ҳамма нарса яхшилик сари ўзгарди, деб айтиш учун ҳали сира ҳам асос йўқ. Ҳозирча бу борадаги аҳвол жамиятда ташвиш уйғотмоқда.

Съездда халқ депутатларининг биринчи Съездида тузилган комиссияларнинг уларга берилган топшириқлар қандай бажарилганлиги тўғрисидаги ахборотини тинглаш кўзда тутилмоқда. Тбилисидаги маълум воқеалар, СССР прокуратурасининг ўртоқ Гдлян бошчилигидаги тергов группаси фаолияти муносабати билан тузилган комиссиялар, ҳужум қилмаслик тўғрисида 1939 йилги Совет-Германия шартномасига сиёсий ва ҳуқуқий баҳо бериш юзасидан тузилган комиссия шулар жумласидандир.

СССР Олий Совети Съездга тақдим этаётган кун тартибидаги масалалар мана шулардан иборат. Ҳаммангиз яхши тушунаётганингиздек, халқ депутатларининг иккинчи Съезди жўн вазиятда ўтмайди. Аввало, бу гап ижтимоий-иқтисодий соҳага таллуқлидир, биз Марказий Комитет ушбу Пленумини очиш ва унинг кун тартибини тасдиқлаш чоғида бу ҳақда гапириб ўтдик. Одамлар Съезд ишини, иқтисодиётни барқарорлаштириши, ҳаёт ва турмуш шароитлари яхшиланишини таъминлаши лозим бўлган чора-тадбирларнинг муҳокама қилиниши ҳамда ишлаб чиқилишини зўр эътибор билан кузатиб боришлари тушунарлидир. Шу боисдан Съезд аввал бошданоқ амалий иш билан шуғулланиши, самарасиз мунозара йўлига, вақтни беҳуда сарфлаш йўлига ўтиб кетмаслиги жуда муҳимдир. Биз барча халқ депутатларининг умумий куч-ғайратлари билан шундай қилишимиз керак, деб ўйлайман.

Кўрилган тайёргарлик ва депутатлар кун тартибига доир барча зарур ҳужжатларни ўз вақтида олганликлари Съездни амалий, жиддий равишда ўтказиш имконини беради, деб умид қиламиз. Мен гапириб ўтган мақсадларга сира ҳам асосланиб эмас, балки қандайдир сиёсий даъволари рўёбга чиқариш ёки телевизор экранида шунчаки, тез-тез кўринишга интилиб, Съезднинг ишини издан чиқаришга уринишлар бўлишини ҳам эҳтиромлан ҳоли қилиш мумкин эмас. Телевизор экранида тез-тез пайдо бўлишга уриниш бизда одатга айланиб, баъзи депутатларимизнинг услубига хос хусусият бўлиб қолди.

Такрор айтаманки, халқимиз давлат ҳокимиятининг олий органидан амалий ишни ва мамлакат учун ҳаётий муҳим қарорлар қабул қилишини кутмоқда.

Ниҳоят, ўртоқлар, КПСС Марказий Комитетининг сайловчиларга Мурожаатномаси лойиҳаси сизларнинг муҳокамангизга тақдим этилган, бу Мурожаатномани яқин вақт ичида эълон қилиш назарда тутилмоқда. Мен айтиб ўтганимдек, жамиятимиз сиёсий ислоҳотнинг янги босқичига қадам қўйди. Мамлакатда сайловолди кампанияси кенг авж олиб кетди, шундай вазиятда бундай ҳужжат ниҳоятда зарур эканлиги табиийдир. КПСС бўлажак сайловни қайта қуришни чуқурлаштиришга доир аниқ-равшан программа билан кутиб олмоқда. Партия ўз ташаббуси билан бошланган революцион ўзгартишлар йўлидан бир қадам ҳам чекинмоқчи эмас. Жамиятнинг сиёсий раҳнамоси бўлмиш партия Советларга ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар, хотин-қизлар, ёшларимизнинг энг фаол вакиллари — коммунистлар ҳам, партиясизлар ҳам кўрсатилишига мумкин қадар кўпроқ кўмаклашиши лозим.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, область, ўлка комитетлари маҳаллий шарт-шароитларни эътиборга олувчи ўз сайловолди программаларини қабул қилмоқдалар. Ҳозирги шароитда партия сайловолди ишини тарғибот ва ташвиқотга нисбатан янгича ёндашувлар асосида олиб бориши лозим. Сайловда сиёсий курашнинг нормал практикасини эгаллаш, буни партия ишининг бош йўналишларидан бири, деб ҳисоблаш керак. Партия, коммунистлар социалистик қадриятларга, ахлоқ ва одобимизга тўғри келмайдиган методлар билан қуроллана олмайдилар, буржуача сиёсий кураш усулларини эгаллаб олаётган кимсаларга ўхшай олмайдилар, албатта, ўртоқлар. Бу истисно этилиши лозим. Аммо биз мулоқот учун фаол, очиқ бўлишимиз, қатъиян ҳаракат қилишимиз керак.

Яна бир нарса ҳақида. Сайловолди кампаниясига биз КПСС XXVIII съездига бошлаб юборган тайёргарлик билан чамбарчас боғлиқ ҳолда қараш керак, албатта. Сиёсий бюро январь ойида съезд билан боғлиқ масалаларни Марказий Комитет Пленумида кўриб чиқмоқчи. Ўша вақтгача «Қайта қуришнинг бориши ва партиянинг вазифалари тўғрисида» КПССнинг сиёсий ҳаракат дастури лойиҳаси тайёрланган бўлиши керак. Мен айтиб ўтганимдек, ана шу лойиҳани эълон қилиш партия ва жамиятда кенг кўламдаги съездолди мунозарасини авж олдириш имконини беради. Биз ана шу пленумга, программавий ҳужжатни ишлаб чиқишга, унинг муҳокамасига жуда катта аҳамият бермоқдамиз, чунки коммунистларки қайта қуриш сиёсатини рўёбга чиқаришнинг ҳозирги босқичи вазифаларига мос келувчи ягона ҳаракат дастури асосида жипслаштириш зарур.

Ҳозир КПСС янги Устави лойиҳаси устидаги ишлар бошлаб юборилган. Партия XXVIII съездига делегатларни сайлаш тартиби тўғрисидаги таклифлар ҳам коммунистларнинг фикрларини эътиборга олиб ишлаб чиқилмоқда.

Нутқимнинг ушбу қисмини якунлай туриб, шуни айтиб ўтмоқчи эдим. Қайта қуришнинг беш йиллик тажрибаси унинг ҳар бир навбатдаги босқичида бизни энг асосий вазифаларни ажратишга ўргатди. Ҳозир жамият бутун турмушининг нормал меҳнат маромини таъминлаш, ишонч ва барқарорлик муҳитини вужудга келтириш биринчи ўринга чиқмоқда. Бизнинг демократик ташаббусларимиз турмушга сингиб тобора кенгаймоқда ва чуқурлашмоқда, бу ташаббуслар инсоннинг ғоят кенг ҳуқуқлари мустаҳкам кафолатларини яратишга, меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгандир. Бу борада биз анча олисга силжидик. Айтиш мумкинки, қайта қуриш орқали, демократиялаш орқали жамиятга янги ҳаёт, янги сиёсий жўшқинлик бағишладик. Аммо булар мамлакатда содир бўлаётган жараёнлар умумий манзарасининг бир қисми, холос. Жамиятимизда ошкоралик ва демократияни улар хизмат қилиши лозим бўлган нарсага қарши қаратишга уринаётган кучлар ҳам бор. Бунда ана шу кучлар ўз мақсадларига эришишга уриниб, қонун талаблари билан ҳам, ахлоқ билан ҳам, ҳатто энг ошиб виждонлилик билан ҳам ҳисоблашмаяптилар.

Шуни ғоят масъулият билан айтиш керакки, совет кишиларига қандайдир субъектив, бир томонлама қарашларни зўрлик билан тиқиштириш йўлидаги уринишлар қайта қуриш учун ҳалокатлидир. Биз етилган муаммоларни ҳал этишга бундай ёндашувни қатъиян рад этамиз. Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботга риоя этиш билан боғлиқ бўлган барча кишилар ўзларининг амалий фаолиятида мана шунга асосланишлари лозим.

Ўртоқлар, биз гражданларнинг қайта қуриш жараёнларининг бунёдкорлик йўналишини таъминлашдан иборат жуда кўп талабларини эътиборсиз қолдира олмаймиз. Турмушнинг нормал мароми бузилаётган бир пайтда жойлардаги ва марказлардаги маъмурлар кўпинча фаолиятсизлик кўрсатаётганликларига совет кишилари тоқат қилишни истамаяптилар. Улар ижтимоий вазият чигаллашиб бораётганлигини хотиржам кузатиб туришаётганига, воқеаларнинг кетида ўралишиб қолишаётганига асло йўл қўйиб бўлмайди. Одатда бундай ҳол вазият устидан назоратни йўқотишга олиб боради. Бизда шундай ҳоллар жуда тез-тез учрайдиган бўлиб қолдики, бундай ҳоллар ёрдам ва ҳимоя сўраб марказий маъмурларга мурожаат қилиш, кўпинча эса мушкул вазиятдан қутилиш учун сўнгги чораларни қўлланишга ундаш билан тугалланади. Бизнинг иш усулларимизда бунга қатъиян тузатиш керак. Шундай жўшқин бир вақтда зиммасига ҳокимият ва масъулият юкланган ҳеч бир киши нари борса ёрдам тўғрисидаги ахборот ва чақириқларни йўллаб, қўл қовуштириб тўтириши, ҳеч қандай ҳаракат қилмай, кузатибгина туриши мумкин эмас.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳам кўпинча салбий кучлар таъсири остида ожизлик қилаётганликларини, қонунда кўзда тутилган зарур чораларни кўрмаётганликларини айтиб ўтиш керак.

Биз ўзини-ўзи танқид руҳида иш тутишимиз лозим. Сиёсий бюро ҳам, ҳукуматдаги, Олий Советдаги коммунистлар ҳам вазият тақозосига кўра ҳамиша ҳам ўз вақтида ва самарали ҳаракат қилишаётгани йўқ. Талабчанлик ва принципиаллик кўрсатиш керак бўлган бир қанча ҳолларда биз «замонавий эмас», халқчил эмас, деган номни олишдан қўрқиб, журъатсизлик билан иш кўраётганимизга бундан буён тоқат қилиб бўлмайди. Масъулятсиз кишилар эса бундан фойдаланмоқдалар, Халқ депутатларидан бир гуруҳининг (уларнинг уч нафари — регионларараро группанинг ҳамраисларидир) халқ депутатларининг иккинчи Съезди арафасида сиёсий иш ташлашни уюштириш йўлидаги уриниши мана шундан далолат бермаяптими, ахир? Улар бунинг учун Олий Совет олдида, коммунистлар эса партия ташкилотлари олдида жавоб беришлари керак, деб ўйлаймиз.

Бугун мен диққат-эътиборни оммавий ахборот воситаларининг халқ олдидаги юксак масъулиятига яна бир бор қаратмоқчиман. Қайта қуришнинг олға силжишида, унинг мақсадларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Бу воситалар тарихимизнинг бурилиш босқичида мамлакат турмушидаги муаммоларга лоқайд бўла олмайдилар. Айни шу нуқтаи назардан биз революцион ўзгартишларни авж олдиришга оммавий ахборот воситалари қўшган ва қўшаётган ҳиссани ижобий баҳолаймиз.

Ижтимоий турмуш муаммоларини матбуотда ёритиш чоғида, ҳатто баъзан шубҳали фикр-мулоҳазаларга йўл қўйилаётган бўлсада, унинг ўткирлигини тушуниш мумкин. Аммо оммавий ахборот воситалари жамиятга тегишли эканлиги ва жамият қайси принциплар асосида яшаётган бўлса ўша принципларни қаттиқ туриб ҳимоя қилиши лозимлиги ҳам ана шундай аниқ-равшан бўлиши керак. Энг муҳими, халқ матбуотга, радио, телевидениега ишонаётганлигини назарда тутиш лозим. Шу боисдан фактларни сохталаштиришга, шубҳа-гумонли маълумотлар ва гап-сўзларни эълон қилишгагина эмас, ҳатто оддий нохолисликка ҳам йўл қўйиб бўлмайди. У ёки бу матбуот органидан жамиятга зид ғаламислик мақсадларида фойдаланишга, бузиб кўрсатишларга йўл қўйишга уринишлар, миллатлар ва элаталр ўртасидаги ўзаро муносабатларга доир масалаларга, кадрларнинг фаолиятига нисбатан хато ёндашув қатъиян қораланиши керак, албатта.

Умуман, ҳар қандай якка ҳокимликка барҳам бериш лозим. Оммавий ахборот воситалари мамлакатимизнинг биз туб ўзгартишларни амалга ошираётганимизда янгиланган жамият сари жуда мураккаб, қийин ўтишини осойишта, холис, принципиаллик билан, ҳаққоний ёритишлари керак. Ахир, бу мамлакат тақдири, социализм тақдири-ку. Бу ҳақда Марказий Комитетнинг Пленумида яна бир бор айтиб ўтиш зарур. Мен тутган позицияни биласизлар, ҳозир ҳам рўй-рост айтаманки, ишчилар синфининг, меҳнаткашларнинг ўй-ташвишлари матбуотда ўз аксини топмасдан қолиши мумкин эмас. Баъзида матбуот орқали шубҳали (бундан ҳам баттар дейиш мумкин) ахлоқий ва маданий қадриятлар турмушимизга суқилиб кираётганлигига тоқат қилиб бўлмайди.

Қайта қуришнинг мана шу жўн бўлмаган, қалтис даврида барча босқичлардаги оммавий ахборот воситалари раҳбарларининг — улардан кўпчилиги эса коммунистлардир — бутун кучни одамларни сафарбар этишга, бунёдкорлик ҳаракатларига, турмушимизнинг барча томонларини чинакам янгилашга жамлаш учун масъулияти етарли бўлишига ишончим комил. Улар коллективда, район, шаҳар, область, республика, мамлакатда янги иш тажрибасини, қайта қуришнинг амалдаги натижаларини ҳам, шунингдек, бизга ҳамон ҳалқит қилиб орқага тортаётган, бошланган ўзгартишларнинг суръатлари ва самарасига тўсқинлик қилаётган нарсаларнинг ҳаммасини ҳам кўрсатишлари лозим.

Матбуотимизнинг тушунтириш иши, айниқса, катта аҳамиятга эгадир. Ҳозир жамиятда жуда кўп янги ғоялар, қарорлар, қонунлар пайдо бўлмоқда, уларнинг кетидан эса иқтисодиётни, сиёсий жараённи, турмушнинг бошқа соҳаларини қайта қуриш тажрибаси юзага келмоқда. Ана шуларнинг ҳаммаси тушунтириб бериш ва идрок этишни тақозо этади — партия ҳам, оммавий ахборот воситалари ҳам ҳозир мана шулар тўғрисида ғамхўрлик қилишлари керак.

Хуллас, биз барча йўналишларда қайта қуришни олға силжитишда, унинг мақсадлари ва идеаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишда, халқнинг турмушини яхшилик сари ўзгартираётган барча янги, қизиқарли, амалий ишларни қўллаб-қувватлашда қатъиятли бўлишимиз лозим. Худди шунингдек, бўшанглиққа, хўжасизликка, масъулиятсизлиққа қарши курашда изчил ва муросасиз бўлишимиз керак.

Бу нарса партиямизнинг барча бўғинларига юксак талаблар қўяди. Мана шу барча масалалар юзасидан бизда катта анжуман етилиб қолган бўлса керак, деб ўйлаймиз, ана шу анжуманни биз Марказий Комитетнинг январь Пленумида КПСС XXVIII съездига сиёсий ҳаракат дастури лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида ўтказиш ниятидамиз.

Ўртоқлар, қайта қуришга қаратилган стратегик йўлни амалга ошириш совет жамияти турмушининг барча соҳаларига революцион таъсир ўтказибгина қолмай, у бошқа социалистик мамлакатларга ҳам, жаҳондаги вазиятнинг ривожига ҳам таъсир ўтказмоқда. Айни вақтда қайта қуришнинг ўзи атроф дунёнинг таъсирини сезмоқда, қулай халқаро шарт-шароитларга муҳтож бўлмоқда.

Шунга асосланиб, бизнинг манфаатларимизга бевосита даҳлдор бўлган кейинги халқаро воқеалар тўғрисида Марказий Комитетга маълум қилишни зарур, деб ҳисоблайман.

Бу йил Шарқий Европада катта-катта ўзгаришлар бошланганлиги билан нишонланди. Бу ердаги жараёнлар шиддат билан ривожланиб бораётганлигини тўппа-тўғри айтиш керак. Содир бўлаётган ўзгартишларнинг моҳияти тўғрисида гапириладиган бўлса, демократиялаш, социализмни янгилаш уларга жуда хос хусусиятдир. Ана шу жараёнлар жўн бўлмаётганлиги сир эмас. Кейинги йилларда биз неча марталаб айтган ўша ҳақиқат яна тасдиқланмоқда: етилган ўзгартишларни амалга оширишда кечикиб қолинаётган жойларда бу нарса қимматга тушиши муқаррар.

Социалистик мамлакатларда содир бўлаётган воқеалар — ана шу мамлакатларнинг халқлари ўзгартишлар зарурлигини англаб, ривожланишнинг муайян босқичида чиқарган қонуниятли якундир. Бу — ички ривожланиш натижаси, халқларнинг ўзлари танлаб олган йўлнинг натижасидир.

Социализм мамлакатларида содир бўлаётган чуқур ўзгаришлар ниҳоятда ўзига хос бўлгани ҳолда шуни инкор этиш мумкин эмаски, гарчи биз ана шу жараёнларга мутлақо туртки бермаган бўлсакда, ана шу ўзгаришлар бизнинг қайта қуришимиз каби айни бир бош йўналишдан бормоқда.

Бир қанча социалистик мамлакатларда ўзига хос вазият вужудга келди. Польша ва Венгрияда қардош партиялар идора қилувчи партиялар бўлмай қолишди, ГДР ва Чехословакиядаги дўстларимиз ўз мавқеларидан талай даражада маҳрум бўлиб қолдилар. Янги сиёсий кучлар майдонга чиқишди. Улар орасида социалистик ғояни қўллаб-қувватлаётганлар ҳам, жамият тараққиётининг ўзгача йўлларини излаётганлар ҳам бор.

Янги вазият дўстларимиздан жамиятдаги ўз нуфузи ва мавқеини қайта тиклаш, шунга мувофиқ равишда эса янги стратегия ва тактикани ишлаб чиқиш мақсадида қатъий, пухта ўйлаб ҳаракат қилишни талаб этади. Социализм, демократия ва тараққиёт позицияларида турган барча кучларни жипслаштириш вазифаси биринчи ўринга чиқиб қолди.

Дўстлар буни тушунишмоқда, гарчи улар сафсатабозлик эмас, балки амалдаги фикрлар хилма-хиллигидан иборат янги шароитда сиёсий иш юритиш илмини йўл-йўлакай эгаллашларига тўғри келаётган бўлсада, ўз фаолиятларини вазиятни эътиборга олиб ташкил қилмоқдалар.

Таркиб топаётган вазият биздан ҳам ўша мамлакатларда содир бўлаётган жараёнларга, шунингдек, янги сиёсий кучлар, партиялар ва ташкилотлар билан бўладиган мулоқотларимизга ҳам аниқ-равшан ёндашувни ишлаб чиқишни талаб этади.

Бизнинг ана шу жараёнларга принципиал ёндашувимизни қуйидагича таърифлаш мумкин. Биз ижобий ўзгаришларни табриклаймиз, бу ўзгаришлар ички ва халқаро жиҳатдан чигалликлар билан бирга ўтаётганини жуда яхши биламиз.

Совет Иттифоқи Шарқий Европа мамлакатлари билан — ўзгартишларни аллақачондан буён ўтказиб келаётганлар билан ҳам, бу йўлга эндигина қадам қўяётганлар билан ҳам, ҳали бундай қилмаганлар билан ҳам — ўз муносабатларини ягона позицияларда — суверенитетни ҳурмат қилиш, аралашмаслик, йўлни танлаб олиш эркинлигини эътироф этиш позицияларида туриб қурмоқда. Биз шунга асосланамизки, ҳар бир халқ ўз тақдирини мустақил равишда ҳал қилиш, жумладан тузумни, йўлларни, унинг эволюцияси суръатлари ва усулларини мустақил танлаб олиш ҳуқуқига эгадир.

Европадаги социалистик мамлакатларга нисбатан бизнинг принципиал муносабатимиз ўзгармасдир. Улар бизнинг иттифоқчиларимизгина бўлиб қолмай, шу билан бирга дўстларимиз қўшниларимиз ҳамдир. Биз тараққиёт ва барқарорликни — Шарқий Европа регионидаги ана шу мамлакатларнинг ўзида барқарорликни, бутун қитъанинг барқарорлигини ва Европадаги барча мавжуд давлатларнинг урушдан кейинги чегаралари бузилмаслигини таъминлашга барча воситалар билан ҳаракат қилаяпмиз. Айни шу мақсадда бизнинг дипломатиямиз Европадаги истисносиз барча мамлакатлар ва АҚШ билан фаол иш олиб бормоқда.

Ғарбдаги баъзи мамлакатлар аралашмаслик тўғрисидаги гап-сўзларга қарамай, социалистик мамлакатларда содир бўлаётган жараёнларга таъсир ўтказиш васвасасидан ўзларини тийиб туролмаётганликларини кўриб турибмиз, албатта. Биз ташқаридан аралашувга йўл қўймаслик учун, жумладан, ҒДРга нисбатан шундай аралашув йўлидаги уринишларнинг пайини қирқиш учун ҳамма ишни қилаверамиз.

Биз шуни ғоят қатъий қилиб таъкидлаймизки, ҒДРни хафа қилдириб қўймаймиз, у — бизнинг стратегик иттифоқчимиз ҳамда Варшава Шартномасининг аъзосидир. Урушдан кейин таркиб топган воқеликларга — БМТ аъзолари бўлмиш икки суверен герман давлатининг мавжудлигига асосланиш зарур, бундан чекиниш Европада беқарорлик хавфини келтириб чиқаради.

Ўз-ўзидан равшанки, айтилган гап ҒДР билан ҒФР ўртасидаги муносабатлар ўзгариши мумкин эмас, деган маънони билдирмайди. Улар ўртасидаги тинч ҳамкорлик ривожланиши мумкин ва лозим. Истиқболга келганда эса, у тарихнинг бориши билан, Умумевропа жараёнининг ривожланиши доирасида белгиланади.

Биз ҳам иттифоқчилик алоқаларини фаол қўллаб-қувватлаш йўлини давом эттираверамиз. Куни-кеча Москвада Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар раҳбарларининг учрашуви бўлди, биз ана шу учрашувда АҚШ Президенти билан олиб борилган музокаралар ҳақида, халқаро вазиятни қандай баҳолаётганимиз тўғрисида муфассал ахборот бердик.

Учрашувда Варшава Шартномаси фаолиятини бундан буён ҳам такомиллаштириш зарурлиги тўғрисидаги муштарак позиция тасдиқланди. Шундай қилиб, иттифоқимиз синов давридан ўтмоқда, барча қатнашчилар учун ўз қадр-қимматини сақлаб қолиб янгиланмоқда. Бунинг боиси шундаки, Европада барқарорлик ва тинчликни таъминлаш юзасидан манфаатларимизнинг муштараклиги сақланиб турибди.

Польша ҳукумати янги бошлиғининг яқинда Москвага ташрифи буни етарлича ишонч билан тасдиқлади. Польша томони билан музокаралар чоғида Совет Иттифоқи билан муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдорликкина эмас, шу билан бирга ўз иттифоқдошлик мажбуриятларига садоқат ҳам изҳор этилди.

Равшанки, коллектив ташкилотлар доирасида сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик шаклларини такомиллаштириш, бу ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш учун биз кўп иш қилишимиз керак. Бу, айниқса, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши фаолиятига дахлдордир, ушбу Кенгашнинг ҳамкорлик механизмида туб ўзгаришлар қилиш, уни соғлом иқтисодий изга солиш зарур, бусиз ҳозирги кунинг асосий вазифаларидан бирини бажариш, яъни мамлакатларимиз иқтисодиётини Умумевропа ва жаҳон структураларига астасекин қўшиш мумкин эмас. Капиталистик дунё мамлакатлари билан сўнгги вақтда бўлган асосий алоқалар ҳақида бир-икки оғиз гапирмоқчиман.

Бу ўринда Ғарбий Европадаги давлатлар алоҳида ажралиб туришибди. Буюк Британия, ҒФР, Франция ва бошқа мамлакатлар раҳбарлари билан учрашувлар мунтазамроқ бўлибгина қолмай, ушбу учрашувларнинг сиёсий натижалари анча кўпайди.

Айтайлик, Финляндия билан анъанавий дўстона муносабатлардан қўшимча самара кўришга умид боғлаш қийинроқ туюларди, лекин бу мамлакатга ташриф, президент М. Койвисто билан музокаралар сиёсий ишонч даражасини амалда оширишга, иқтисодий ҳамкорлик доирасини кенгайтиришга имкон берди. Бу эса Финляндия билан қўшни бўлган регионларимиз — Карелия, Болтиқ бўйи, умуман Шимол учун алоҳида аҳамиятга молликдир.

Италия давлатининг раҳбарияти билан музокаралар ҳам салмоқли бўлди. Бу мамлакат илгари ҳам биз билан ҳамкорликнинг янги шаклларини қидиришда бир неча бор кашшофлик қилган эди. Бу гал ҳам имзоланган битимлар ва шартномалар — булар орасида янги автомобиль заводи қуриш тўғрисида ФИАТ билан тузилган битимни эслатиб ўтмоқчиман — совет халқ хўжалиги учун, бозорни тўлдириш учун ижобий натижалар бериши керак.

Финлар ва итальянлар билан қабул қилинган сиёсий декларациялар Шарқ билан Ғарб ўзаро ҳамжиҳатлигини фалсафий-концептуал жиҳатдан асослашда янги қадам бўлди.

Ватикан Рим папаси билан бўлган учрашув принципиал аҳамиятга эга. Умумевропа жараёнининг тенг ҳуқуқли қатнашчиси бўлган Ватиканнинг сиёсати давлатлараро муносабатларни бундан буён ҳам инсонийлаштириш

М. С. ГОРБАЧЕВ НУТҚИ

(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

ва Италия бизнинг ана шу ташаббусимизни қўллаб-қувватлади. Умумевропа жараёнининг бошқа қатнашчилари ҳам бу ташаббусни қизиқиш билан кўриб чиқаётганликларини сезиб турибмиз. Аминмизки, бу учрашувнинг рўёбга чиқиши, «Хельсинки-2»нинг ўтказилиши Умумевропа хонадонини бунёд этишга унинг барча асосий ўлчамлари бўйлаб қудратли омил бахш этган бўлур эди.

Европа билан муносабатларимиз шу қадар олға силжиган бўлса-да, СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг бундан буён нормаллашуви ва яхшиланиши кўп қирралидир, ҳақиқатан ҳам жаҳон аҳамиятига моликдир. Дарҳақиқат, СССР билан АҚШ — ҳозирги дунёнинг икки энг йирик ва энг қудратли давлатларидир. Бу уларга ҳеч қандай алоҳида ҳуқуқлар бермайди. Аммо тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун уларнинг алоҳида масъулиятини белгилаб беради.

Шу ҳам батамом равшанки, янгича фикрлаш принциплари негизида СССР билан АҚШнинг сиёсий ҳамкорлиги жаҳондаги вазиятнинг тараққиётига қудратли тарзда ижобий таъсир этишга қодирдир.

АҚШ президенти Ж. Буш Мальтада амалий учрашувни таклиф этганида биз буларнинг ҳаммасини тўла ҳисобга олдик.

Буш билан биргаликда ўтказилган матбуот конференциясининг мазмуни ўртоқларга маълум. Ўша матбуот конференциясида, бутун тафсилотлар тилга олинмаган бўлса ҳам, музокараларимиз тўғрисидаги асосий ғоя айтилди. Аммо шунга қарамасдан, учрашувнинг ўзига хос мувозанатини ишлаб чиқиш лозим бўлади, чоғи.

Табиийки, биз АҚШ Президенти билан учрашув сезиларли, фойдали натижалар беришига интилдик. Ж. Буш дастлабки пайтларданоқ ишда ана шундай натижага эришиш мақсадини кўзлаётганлигини кўрсатди. У суҳбатни Совет Иттифоқи билан икки томонлама муносабатларни яхшилаш мураммоларидан бошлади. Бунда у иккала мамлакат ўртасидаги савдо-сотиққа, иқтисодий алоқаларга тўсқинлик қилаётган чеклашларни бекор қилиш ҳусусида яқин вақт ичида зарур чоралар кўриш ҳақида ўзи қабул қилган қарорга тўхталди. Буш аслида СССРга энг кўп қулайлик бериш АҚШ молия муассасалари учун экспортларни маблағ билан таъминлаш, шунингдек, кредитлар ажратиш, Совет Иттифоқидаги Америка инвестицияларига кафолат бериш тўғрисида битим тузиш ниятидадир. Ана шу ва маъмурият амалга ошираётган бошқа баъзи тадбирлар америкалик савдо-саноат доираларига совет бозорига дадилроқ чиқиш имконини беради. Бу уларнинг кайфиятига мосдир.

Америка раҳбарияти Совет Иттифоқининг халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлардаги иштирокига ўз ёндашувини ўзгартираётганлиги ҳам муҳимдир. Умуман, Вашингтон бизга қарши «иқтисодий урушъга чек қўйишга қарор берди, деган тасаввур пайдо бўлмоқда.

Биз ҳарбий-сиёсий масалаларни анча жадал муҳокама қилганлигимиз натижаларини умуман таърифлайдиган бўлсак, шуни етарли ишонч билан айтиш мумкинки, 1990 йилда бу соҳада аҳдлашувларга эришиш нуқтаи назаридан қараганда, энг маҳсулдор даврлардан бири бўлиши кутилмоқда. Биз президент билан келгуси йилда қуйидаги шартнома, битим ва протоколлар имзоланишига келишиб олдик:

— стратегик ҳужум қуролларини 50 фоиз қисқартириш тўғрисидаги Совет—Америка шартномаси;

— Европада оддий қуролли қучлар ва қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисидаги кўп томонлама битим (биз бу битим олий даражада имзоланишини таклиф) этдик;

— химиявий қуролни бутунлай тақиқлаш ва унинг запасларини тугатишга оид куч-ғайратларнинг бир қисми сифатида химиявий қурол аслаҳахоналарини тубдан қисқартириш тўғрисидаги икки томонлама Совет—Америка битими;

— тинч мақсадларда ядро қуроли ер ости синовларини ва ядро портлатишларини чеклаш тўғрисидаги 1974 ва 1976 йиллардаги шартномалар протоколлари.

Бундан ташқари, 1990 йилда қурол-яроғларни чеклашнинг, ҳавфсизликни ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг янги соҳалари тўғрисида музокаралар бошланади, деб умид қиламиз. Биз Буш билан ҳар иккала томон «очиқ осмон»га, шунингдек, биз таклиф этган фақат осмоннигина эмас, шу билан бирга қуруқлик, денгиз, океанлар ва космоси қамраб оладиган янада кенг ошкоралик концепциясига оид кўп томонлама музокараларда фаол иштирок этадилар, деб келишиб олдик.

Биз СССР ва АҚШ ҳарбий-денгиз кучларига, шунингдек, ҳарбий денгиз кучларининг тактик ядро куролини бутунлай тугатишга тааллуқли музокараларни кечиктирмай бошлашни таклиф этдик. Совет Иттифоқи бу масалага катта эътибор беради, чунки биз турли соҳаларда қурол-яроғларни қисқартириш ишида силжишга эришилаётган шароитда бизнинг ҳавфсизлигимизга, иттифоқчиларимиз ҳавфсизлигига денгизлар ва океанлардан ҳавф туғилаётганлигига тоқат қила олмаймиз.

Мен Европа мавзуига оид бўлиб ўтган музокараларга ўзимизнинг баҳоимизни бундан илгарироқ баён этганман. Фақат биз Буш билан Ғарбий ва Шарқий Европада рўй бераётган чуқур жараёнлар шароитида вазмин, эҳтиёткорлик билан йўл тутиш заруратига нисбатан ҳамжиҳатликнинг умидворлик даражасига эришилганлиги тўғрисидаги фикрни таъкидламоқчиман. Бу Германия муаммосига ҳам тааллуқлидир. Мана шу мураммоларнинг ҳаммасини, энг аввало, Умумевропа жараёни билан боғлиқ, деб билаётганлигимиз ҳам муҳим деб ўйлайман.

Афғонистон, Марказий Америка, Яқин Шарқ, Ливанга доир регионал можаролар ва бошқа бир қанча муаммолар тўғрисида фикрлашиб олинди. Умумлаштириб шуни айтмоқчиманки, мана шу ўткир мавзудаги суҳбатлар бу гал бирмунча амалий ва асосли вазиятда ўтди. Ҳар иккала томон ўзаро манфаатларни ҳисобга олишга астойдил тайёр эканлигини билдирди. Ҳар иккала томон бир-бирларининг далил-исботларини тушунишга қодир эканлигини кўрсатди. Умуман, бу борадаги музокаралар шерикнинг баҳолари, ахборотлари ва позицияларини анча тўғри тушуниш билан ажралиб турди.

Равшанки, кўпгина келишмовчиликлар сақланиб қолмоқда, бироқ бошқа бир мунча амалий, оқилона ёндашув пайдо бўлганлиги муҳимдир. Шу тарифа биз мураммоларни тинч йўл билан бартараф этиш истиқболларига умид боғлаяпмиз.

Умуман олганда, Президент Буш билан кенг кўламда фикрлашиб олдик. Биз бу учрашувни Совет—Америка муносабатларида янги босқич бошланиши, деб биламиз. Такрор айтаманки, катта ва салмоқли ўзгаришлар рўй бермоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ муҳолифликдан томонларнинг бир-бирини кўпроқ тушунишига ўтиш пайдо бўлди. Эндиликда биз ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳатто ҳамкорликнинг бирмунча юксак даражасига ўтяпмиз. Агар Америка раҳбарияти юксак масъулият нуқтаи назаридан ҳаракат қилишни давом эттирса, биз амалий ҳамкорликка ўтишимиз мумкин.

Энди охирги фикрни айтмоқчиман. Ташқи сиёсий соҳада қилинган иш тинчлик иши учун, мамлакатимиз учун, қайта қуриш учун конкрет қандай натижалар берди?

Энг аввало — бу борадаги иш уруш хавфини янада орқага сурди, халқаро ҳавфсизлик негизлари мустаҳкамланишини таъминлади. Шундай экан, бу тузумимиз учун қулай ташқи шароитларни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга бўлган умид янада равшан бўлиб қолмоқда, деган маънони англатади.

Бу эса бизнинг ҳарбий ҳаражатларни, Қуролли Кучлар сонини белгиланган даражада қисқартиришимизга, ҳарбий ишлаб чиқаришни бошқа соҳага кўчиришни авж олдиришга имкон беради. Биз шундай қилар эканмиз, Ғарбдаги нуфузли доиралар куч ишлатиш сиёсатидан ҳамон воз кечмаганликларини, ўзлари учун бир томонлама афзалликкга эришишга интилаётганликларини назардан четда қолдира олмаймиз, албатта. Бугунги шароитда, шунингдек келгусида ҳам қурол-яроғларнинг оқилона етарли миқдорда бўлиши Ватанимизнинг қонуний манфаатлари сўзсиз ҳимоя қилинишини кўзда тутади. Биз мана шунга амал қиламиз.

Мен қуйидаги жиҳатларни назарда тутиб, ана шу ҳақда гапирмоқчиман. Бир томондан, биз қуролсизланиш жараёнлари натижасида қуролланиш пойгасини (бунга Америка ва бошқа мамлакатлар билан биргаликда жалб этилганмиз) пасайтиришни истаймиз. Чунки ҳатто шу беш йилликда ҳам миллий даромадни ўстириш 22 фоиз, ҳарбий эҳтиёжларга харажатларни эса 40 фоиздан ортиқ белгилаш мўлжалланган эди. Мен бу ҳақда Марказий Комитет Пленумида гапирганманми ёки йўқми— буни эслолмайман. Яъни ҳатто миллий даромаднинг ўсишини ҳам кўп даражада қуролланиш пойгаси емириб юборар эди. Биз бу иқтисодиётни ривожлантиришга қанчалик таъсир қилганлигини, уни издан чиқарганлигини кўриб турибмиз. Бундай бирёқламаликдан халос бўлиш зарур. Аммо мамлакатнинг мустаҳкам ҳавфсизлиги мунозарага мавзу бўлолмайди. Биз ана шу ҳавфсизликни таъминлашга қодир бўлган замонавий, энг янги қурол-яроғ билан жиҳозланган армияга эга бўлишимиз керак.

Қуролсизланиш жараёни бошланганида армияни, бутун мудофаа секторини ҳам тугатиш зарур, деган ҳаддан ташқари бирёқлама таклифлар туша бошлади. Бу жиддий таклифар эмас ва унга эътибор бермаса ҳам бўлур эди, аммо шуни айтиш керакки, бундай қарашларни жамоатчилик фикрига сингдиришга, айтиш мумкинки, армияга, мудофаамизни таъминлаб турган кишиларга нисбатан салбий фикрлар тиқиштиришга уринмоқдалар. Ўйлайманки, биз бундай ҳаддидан ошишларга чек қўйиб, ҳавфсизлик масалаларига доир ишимизни нормал ва табиий изга солишимиз керак. Мамлакат ҳимояси кафолатини таъминлар эканмиз, ҳеч қандай бирёқламаликка йўл қўймаслик зарур.

Ғарб билан муносабатларимизни нормаллаштириш ва яхшилаш бизга капиталистик мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлик миқёсларини янада кенгайтириш ва бу ҳамкорлик мазмунини чуқурлаштириш имконини беради. Биз ўзаро алоқаларнинг янги шаклларига тобора кенгроқ ўтмоқдамиз, юқорида айтганимдек, бир қанча ҳолларда интеграция тусидаги алоқаларга яқинлашиб, кооперациялаш механизмларига ўтмоқдамиз. Шубҳасиз, бу имкониятларимизни анча кенгайтиради. Лекин, шуниси ҳам равшанки, агар биз ўз куч-ғайратимизни, масъулиятимизни ва ишчанлигимизни анча оширсак, ҳамкорликнинг янги шаклларини ўзлаштирсак, фақат шу ҳолдагина биз ана шу имкониятлардан фойдалана олишимизни тушуниб етишимиз керак. Олий даражадаги сўнгги учрашувлар, хусусан Буюк Британия, Франция, Финляндия ва Италиядаги учрашувлар чоғида биз янги битимлар тузиб, шартномаларни имзолаб, айни бир вақтда уларнинг бажарилишини назорат қилишнинг ишончли механизмини вужудга келтириш тўғрисида келишиб олдик. Бу механизмлар биз томонда ҳам бенуқсон ишлаши лозим.

Умуман халқаро майдондаги ташаббусларимиз СССР, унинг ташқи сиёсати тинчлик, халқлар ҳавфсизлиги ва эркинлигининг омили сифатида бутун дунёда тан олинишига олиб келди. Мавжуд муаммоларга реалистик нуқтаи назардан ёндашиш, жаҳон ҳамжамиятининг барча аъзолари манфаатларини ҳисобга олиш бу ташаббусларнинг юксак самарадорлигини таъминламоқда. Буларнинг ҳаммаси қайта қуришни амалга оширишга йўналтирилмоқда, қайта қуришнинг олға силжиши учун зарур бўлган халқаро шароитни яратмоқда.

Пировардида, ўртоқлар, қуйидагиларни айтмоқчиман. Ҳозирги давр — жаҳон ҳаётида, мамлакатимизда социализм тараққиётида мислсиз масъулиятли ва мураккаб даврдир. Ғоят мўҳим аҳамиятга молик ўзгаришлар юз бермоқда. Келгуси ўн йилликларда жамиятимиз қандай бўлишини белгилаб берадиган муассасалар барпо этилмоқда. Қайта қуриш сиёсатини авж олдирадиган ва жамиятни бирлаштирадиган, уни ана шу буюк мақсадларга эришиш йўлида жипслаштирадиган КПСС масъулиятининг мезони ана шундан иборат.

Бизга ҳозир жуда қийин, мислсиз воқеаларга, вазиятларга дуч келмоқдамиз. Лекин, ўртоқлар, бундай бурилишлар, бундай ўзгаришлар бир текис ўтмайди. Бу инқилобий воқеалардир ва улар инқилобий шаклларда амалга оширилмоқда, шу билан бир пайтда жамият кўникиб қолган эски андазалар бузиб ташланмоқда. Бу, аввало, ақл-идроқдаги чинакам инқилобдир.

Мен Марказий Комитет аъзоларидан, барча поғонадаги раҳбарлардан воқеаларни таҳлил қилиш чоғида «назарнинг юксаклигини» сақлаб қолишни илтимос қилган бўлардим. Агар сиз билан биз кундалик воқеалар, айрим фактлар тазйиқи остида қолсак, вазимага тушиб, ўзимизни йўқотиб қўямиз — бу вазима бутун партияга, халққа ўтади. Нақадар қийин бўлмасин, асабийлашмаслик керак. Хато қилмайдиган одам йўқ, биз қайта қуриш йўлларида хаталарга йўл қўйдик. Лекин шундай ҳаракат қилиш керакки, бундай хаталар камроқ бўлсин. Танлаб олинган йўлдан ишонч билан олға бориш учун ҳар бир амалий қадамни узоқ муддатга мўлжалланган мақсадларга қиёслаб бориш лозим.

Партиямиз Марказий Комитетида ҳозирги ғоят муҳим босқичда шу хусусда тўла ҳамжиҳатлик бор, деб умид қиламан **(қарсаклар).**

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ РОССИЯ БЮРОСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитетининг Пленумида 1989 йил 9 декабрда қилган доклади

Ўртоқлар!

Единигзда бўлса, КПСС Марказий Комитетининг ўтган Пленумида биз Марказий Комитетда Россия Федерациясидаги партиявий ишни мувофиқлаштириб туриш учун тегишли структураларни ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги ҳақида гап бошлаган эдик.

Ҳозир мамлакатда, барча республикаларда рўй бераётган воқеалар нақадар муҳим бўлмасин, Россия мураммолари қайта қуришнинг тақдири, кўпмиллатли Иттифоқимизнинг тараққиётини мустаҳкамлаш учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

Бу муаммолар узоқ вақт мобайнида йиғилиб келди ва уларни ҳал этиш учун республика бутун халқи биргаликда куч-ғайрат сарфлаши, унинг коммунистлари, Советлар, барча давлат ва жамоат ташкилотлари уйғун равишда ҳаракат қилишлари лозим бўлади.

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, Россия Федерацияси бошқача муносабатга ва бошқача эътиборга лойиқ эканлиги шубҳасиз. Шу сабабли Марказий Комитет аъзолари бу фикрга қўшиладилар, деб ўйлайман. Бунинг устига баъзи ўртоқлар илгари ҳам шу масала хусусида гапирган эдилар.

РСФСР — жуда мураккаб сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва миллий тузилма эканини ҳаммамиз биламиз. Рус халқи, Россия Федерациясининг бошқа халқлари Улуғ Октябрь туфайли бошланган революцион ўзгартишларда, Совет Иттифоқини қудратли саноат мамлакатига айлантиришда, кўпгина миллат ва элатларнинг иқтисодий ҳамда маданий қолоқлигини тугатишда, давлатимизнинг мустаҳкамлигини ва социализм ғалабаларини Улуғ Ватан уруши майдонларида қаттиқ туриб қимоя қилишда бебаҳо роль ўйнадилар. Ҳозирги шароитда ҳам республика меҳнаткашлари бутун мамлакатни ривожлантиришга, қайта қуриш жараёнларини авж олдиришга зўр ҳисса қўшмоқдалар.

Россия Федерацияси нақадар ноёб иқтисодий ва илмий-техникавий имкониятларга эга эканлиги маълум. Унинг территориясида мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпроғи, аниқроқ қилиб айтганда, 51,2 процент яшаб турибди. Россия Федерациясининг миллий даромаддаги салмоғи салкам 60 процентни ташкил қилади. Ёқилғи-энергетика, сув ва ўрмон ресурсларининг, фойдали қазилма запасларининг аксарият қисми Россияда жойлашган. Республика нефть ва ёғочнинг 92 процентини, юк автомобилларининг 84 процентини, газнинг 74 процентини, электр энергиянинг 62 процентини, цемент, пластмасса, синтетик смоланинг салкам 60 процентини, мудофаа маҳсулотининг асосий қисмини ишлаб чиқармоқда. Мамлакатда истеъмол қилинаётган импорт маҳсулотларнинг кўпчилик қисми Россия Федерациясининг маҳсулотини экспорт қилишдан тушган маблағ ҳисобига сотиб олинмоқда.

РСФСРни Иттифоқимизнинг суянган тоғи деб атаётган кишилар жуда ҳақдирлар. Аммо Россия Федерациясидаги рус ва бошқа халқларнинг жуда катта ютуқлари барча республикаларимиздаги бошқа совет халқларининг куч-ғайратлари, кўп йиллик куч-ғайратлари билан, уларнинг катта ҳиссаси билан чамбарчас боғлиқлигини ҳам биламиз.

Республикада кейинги йилларда ҳам халқнинг саботли, фидокорона меҳнати билан кўп иш қилинди. Янги районларни ўзлаштиришнинг жуда катта программалари амалга оширилди, минг километрлаб транспорт магистраллари қурилди, янги-янги шаҳарлар барпо этилди, Россиянинг энг олис жойларига ҳам қаёт бахш этилди. Бироқ, айни вақтда иқтисодий ва ижтимоий сиёсат принциплари бузилиши, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришдаги қўпол хатолар ва янглишишлар оқибатида келиб чиққан муаммолар тобора кўпроқ сезила бошлади. Энг муҳими эса — турғунлик муҳити замон талаб қилган ўзгаришларни ўз вақтида ўтказиш, фан-техника тараққиётининг имкониятларидан фойдаланиш ва унинг талабларини эътиборга олиш имконини бермади.

Сиёсатдаги, амалий фаолиятдаги жиддий бузилишлар, янглишишлар Россия Федерациясига анчагина зиён етказди, Россия маркази, Сибирь, Узоқ Шарқ шаҳарлари ва қишлоқларини, РСФСРнинг бошқа районларини ижтимоий жиҳатдан ривожлантиришга таъсир қилди. Бутун-бутун регионларда ноҳуш демография вазиятини, хатарли экология муҳитини келтириб чиқарди. Ноқоратупроқ ўлка хусусида, бошқа регионлар, жумладан, мамлакатнинг шарқий регионларини ривожлантириш хусусида ҳам қабул этилган қарорлар мутлақо етарли эмас эди. Бунинг устига мазкур қарорлар тўла ҳажмда бажарилмади.

Автоном республикаларда, ўлкалар, областлар, округларда ўзини-ўзи бошқариш аслида расмий характерда эди. Шимол, Сибирь, Узоқ Шарқнинг кўпгина халқлари қийин аҳволда қолдилар.

Мамлакатнинг бошқа районларида бўлганидек, РСФСРда ҳам кўпгина тарих ва маданият ёдгорликларидан маҳрум бўлинди. Гарчи кейинги вақтларда маданий меросимизни эҳтиёт қилиб асраш учун кўп куч-ғайрат сарфланаётган бўлса ҳам, ҳали бу соҳада қилинадиган ишлар ошиб-тошиб ётибди.

Кейинги вақтларда баъзан гўё ўтмишдаги бузилишлар ва мамлакатнинг ҳозирги қийинчиликларига, аввало, Россия айбдор, деган мулоҳазаларни эшитишга тўғри келмоқда, бунда Россия марказ деган маънода англашилмоқда. Очиғини айтганда, бундай мулоҳазалар тарих ҳақиқатига ҳам, оддий инсоний холисликка ҳам зиддир. Бизнинг қулфатларимиз учун руслар ҳам, бошқа бирон-бир миллатнинг намояндалари ҳам айбдор эмас, ўртоқлар. Балки сталинчилик, буйруқбозлик-маъмурия т ч илик системаси айбдордир, бунинг азобини СССРнинг барча халқлари тортдилар ва ҳозир ҳам биз бундан жуда қийинчилик билан халос бўлаяпмиз.

Россия халқлари ўтмишдан қолган иқтисодий ва маданий қолоқликни бартараф этишларига, Гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши йилларида жуда катта талафотлар, вайронагарчиликларни бошдан кечиришларига, мамлакат ҳавфсизлигини таъминлаш учун жуда катта чиқим қилишларига тўғри келганлигини эътиборга олмасдан бўлмайди.

Биз турмушнинг қайси томонини — иқтисодий, ижтимоий, маънавий томонини олиб кўрмайлик — ҳаммаси Россия мураммоларига муносабатни тубдан ўзгартириш жуда зарурлигидан дарак беради. Бу муаммоларни ҳал этиш иложини фақат қайта қуриш, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ташкилий соҳалардаги чуқур ўзгартишлар йўли билан топиш мумкин.

Россиянинг давлат суверенитетини мустаҳкамлашга оид кўпдан-кўп таклифлар тушмоқда. Янги республика идораларини вужудга келтириш соҳасида ҳозиргача чора-тадбирлар кўрилганлиги ва келгуида ҳам кўрилавериши маълум. РСФСР Олий Советида биринчи бор палаталар — Республика Кенгаши ва Миллатлар Кенгаши тузилади. Иттифоқ қурилиш министрликлари РСФСР қарамоғига топширилди, Иттифоқ-Республика Ички ишлар министрлиги тузилди. Россия Федерацияси оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга оид бир қанча тадбирлар маъқулланди, Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосида доимий Россия программалари жорий этилади, янги газеталар, ижтимоий-сиёсий ва адабий журналлар нашр этилади. Республика касаба союз, комсомол ташкилотлари, бошқа жамоат ташкилотларини тузиш ташаббуси ўртага қўйилмоқда. Россия Фанлар академиясини ташкил этиш тўғрисидаги масала фаол муҳокама қилинмоқда.

Россия Федерацияси мураммоларини кўриб чиққанда партия қурилиши масалаларида илгари силжимай иш қилиб бўлмайди, албатта.

Хўш, РСФСР партия ташкилотларининг раҳбар органи қандай бўлиши керак? Бу — жуда муҳим ва кўп қирали масаладир. У Россия Федерациясининг чегараси билан кифояланмайди, умумпартиявий, Умумиттифоқ характерига эга бўлади. Авж олиб кетган муҳокаманинг кўрсатишича, фикрлар доираси жуда кенг — Россия Компартиясини ва шунга мувофиқ равишда Компартиянинг Марказий Комитетини тузиш тўғрисидаги даъватлардан тортиб, ҳаммасини ўзгаришсиз қолдиришгача бўлган бир-бирига зид фикрлар айтилмоқда. Турли нуқтаи назарлар замирида муайян асос ва далиллар бор. Шу сабабли биз жуда эҳтиёткорлик ва вазминлик билан қарор қабул қилишимиз керак. Ҳоҳласак, ҳоҳламасак, РСФСРнинг тарихий мавқеи, сиёсий салмоғи, иқтисодий имкониятлари, жуда катта территорияси, кўп миллатли таркиби ва бошқа бир қанча омиллар унинг Совет Иттифоқидаги ўзига хос ҳолатини белгилаб беради ва Россия муаммоларини ҳал этишга бирон-бир тарзда жўн назар билан қаралишини истисно этади.

Биз бу масалани республикадаги ўлка ва область партия ташкилотларининг иштирокида бир неча марта муҳокама қилиб, ҳозирги босқичда КПСС Марказий Комитетининг Россия бюросини тузиш мақсадга мувофиқ деган хулосага келдик.

РСФСРни таърифлаб айтилган гапларга шуни ҳам қўшмоқчиман: бу ерда КПСС аъзолари ва аъзолигига номзодларнинг 54,5 проценти яшаб, ишлаб турибди. КПСС барча бошланғич ташкилотларининг 46 процентидан кўпроғи Россияда иш олиб бормоқда. Партия комитетлари бошчилик қилаётган бошланғич партия ташкилотларининг 52 проценти, райком ҳуқуқига эга бўлган парткомлар бошчиларигаги ташкилотларнинг тўртдан уч қисми республикада ишламоқда. Бошқача қилиб айтганда, КПССнинг асосан энг йирик ташкилотлари Россия Федерациясида жойлашган.

Хўш, биз нималарга асосланишимиз зарур? Россия Федерациясининг ҳам, бутун Иттифоқнинг ҳам манфаатларини эътиборга оладиган қароргина тўғри қарор бўлиши мумкин деб ўйлайман. Умуминиттифоқ манфаатлари билан Россия манфаатларининг мана шундай мутаносиб ҳисобга олиниши миллий сиёсатга оид КПСС дастурининг энг муҳим йўл-йўриқларига асос қилиб олинган.

Унда партиянинг Иттифоқимизда миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашидан иборат ленинча принципни тиклашга ҳаракат қилиш муддаоси аниқ-равшан ифодалаб берилган. Бу эса иттифоқдош республикаларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий мустақиллигини мустаҳкамлашда уларнинг суверенитетини реал мазмун билан тўлдиришни назарда тутади.

Белгиланган йўл билан Марказий Комитет ички партиявий муносабатларни демократиялаш, бошланғич, район, округ, шаҳар, область, ўлка ва айниқса, республика партия ташкилотларининг ўз амалий фаолияти асосий масалаларини ҳал этишдаги ролини кўтариш тадбирларини амалга оширмоқда. Бу гапларнинг ҳаммаси, сўзсиз Россияга ҳам тааллуқлидир. Унинг ўз миллий тақдирини ўзи ҳал этиш жараёни ҳам республикадаги барча давлат ва жамоат ташкилотларининг ва ўз-ўзидан равшанки, партия ташкилотларининг ҳам турмушини янги мазмун билан тўлдиришни назарда тутади.

Бу ўринда гап Россия Федерациясининг сиёсий потенциалини рўёбга чиқариш учун янада каттароқ имкониятлар борлиги ҳақида, партияда ва жамиятнинг бутун сиёсий системасида демократия йўлини кучайтириш ҳақида бормоқда.

Шу билан бирга, РСФСР ижтимоий-сиёсий турмуши муаммоларини ҳал қилганимизда миллий масалага оид партия ҳаракат дастурининг РСФСР объекти жиҳатдан бутун Иттифоқимизни бирлаштирувчи негиз бўлиб келганлиги ва шундай бўлиб қолаётганлиги тўғрисидаги қоидага амал қиламиз. Бинобарин, Россиянинг партиявий кучларини уюштириш йўлида қўйилган ҳамма қадамлар Иттифоқимизни ва партиямиз бирлигини мустаҳкамлаш мезонига қараб текширилиши керак. Биз у ёки бу қарорлар марказдан қочувчи ва марказга интилувчи тенденцияларга қандай таъсир қилишини, бу тенденциялар умуман Иттифоқдаги узвий мувозанатни бузмаслигини, ҳозир айрим жойларда зўр бериб авж олдирилаётган гулханга ёнилги қўймаслигини равшан тасаввур қилишимиз керак.

Биз партияни қайта қурар эканмиз, республика партия ташкилотларининг ҳуқуқлари ва мустақиллигини ҳар томонлама кенгайтирар эканмиз, ягона сиёсий ташкилот, Иттифоқни жипслаштирувчи энг муҳим куч бўлмиш КПССнинг нураши хавфи пайдо бўладиган чегарадан ўтиб кетилмаслиги устидан синчиклаб кузатиб боришга мажбурмиз.

Афсуски, КПССни федерацияга айлантиришнинг эҳтимол тутилган бузғунчилиқ оқибатларини партиядаги барча кишилар ҳам тўлатўкис англаб етмаяптилар. Хатар солиб турган хавфни сезсалар ҳам, аммо унга қарши қандай қурашишни, сиёсий стихияга қандай қарши туришни билмайдиган ва шу сабабли шу стихия қаёққа бошласа ўша ёққа қараб ҳаракат қилаётганлар ҳам бор. Биз тутган позициянинг моҳияти шуки, республика партия ташкилотларининг ҳуқуқлари ва мустақиллигини кенгайтириш миллий хусусиятларни, маҳаллий ўзига хосликни яхшироқ эътиборга олишга, миллий ва байналмиллий қадриятларни бир-бирига қарама-қарши қўймай, балки уларни моҳирона бир-бирига қўшишга кўмаклашмоғи лозим.

Агар бутун сиёсий организмимизнинг мана шу ҳаётий асаб томирига зиён-заҳмат етказилса, жуда кўп расалар хавф остида қолиши мумкин.

Шу муносабат билан партия Марказий Комитетининг Пленумида шу масалалар ўткир долзарблик касб этган Литва Компартиясининг Марказий Комитетига, Литванинг барча коммунистларига яна бир бор мурожаат қилмоқчиман. Менинг Литва коммунистларига Мурожаатномам айни шу мақсадни кўзлаган эди. Мен улардан бизнинг ташвишланаётганимизга жуда катта эътибор билан қарашларини сўрайман. Биз республика Компартиясининг сизлар яқин вақт ичида ўтказадиган ва долзарб муаммолар муҳокама қилинадиган съезди КПСС XXVIII съездига ўзига хос тарзда таклифлар ишлаб чиқадиган съезд бўлишига умид қиламиз. Ўртоқ Бразаускас, мен партиянинг бутун Марказий Комитети олдида сизга шуни рўй-рост айтаяпман: бу масалаларни тўғри ҳал этишда Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретаридек ўз шахсий ролингизни камайтирмангиз.

Чамаси, Россия партия ташкилотларининг мақомини ошириш тўғрисида аниқ-равшан чора-тадбирлар керак. Шу билан бирга бу чора-тадбирлар пухта ўйланган бўлиши, тажриба ортиб боришига қараб амалга оширилиши муҳимдир. Шу сабабли биз КПСС Марказий Комитетининг Россия бюросини ташкил этиш тўғрисидаги таклифни республиканинг янги партия ташкилотларини тузишдаги дастлабки қадам деб биламиз. Тараққиётнинг бундан буён қандай боришини турмуш, сиёсий ишлар, тажриба кўрсатади.

Шу кунларда бутун жамият тубдан ўзгармоқда, партиянинг иш усуллари ва шакллари янгиланмоқда. Коммунистларнинг эркин фикр изҳор этишлари учун, раҳбарларни бир неча номзодлар орасидан танлаб олиб, сайлаш учун шароит яратилди, аппаратнинг иши қайта қурилмоқда. Партия турмушининг ҳамма соҳаларини танқид қилиш мумкин. Марказда ва жойларда Ленин «партиялилар оммасининг ҳокимияти» деб атаган ҳокимиятни қарор топтириш йўллари фаол қидирилмоқда.

Ҳозир КПССнинг вазифалари ҳам бутунлай ўзгармоқда. Бу ўринда гап жамиятнинг сиёсий раҳнамоси бўлган, раҳбарликнинг буйруқбозлик, кўрсатма беруврчилик усулларидан воз кечаётган, ҳеч кимга ҳеч нарсани мажбуран қабул қилдиришни хоҳламайдиган партия ҳақида гап бормоқда. У ўз сиёсатида халқ бунёд этаётган нарсаларни аниқ ва равшан ифодалай оладиган, ишонтириш, ғоявий таъсир ўтказиш усуллари билан иш тутиб, жамият турмушининг барча жараёнларида коммунистлар орқали қатнашадиган бўлиши керак. Биз партияни янгилаяпмиз, уни жамиятнинг сиёсий раҳнамоси бўлишдек янги вазифаларни эътиборга олиб, қайта қураяпмиз. Бироқ биз жамият турмушининг ҳамма соҳаларида қатнашаверамиз. Партия халқ билан маслаҳатлашиб, унга ўз сиёсатини таклиф этади, коммунистлар меҳнат қилаётган ҳамма жойда шу сиёсатни қаттиқ туриб ҳимоя қилади.

Янги шароитда КПСС Марказий Комитетининг Россия бюроси амалий вазифаларни мустақил ҳал этишга қодир бўлган забардаст сиёсий орган бўлиши мумкин ва лозимлигига аминман. Қайта қуриш туфайли бунинг учун ҳамма имкониятлар яратилган. Бюрони сон жиҳатидан унчалик кўпайтирмаслик таклиф қилинади. Умумпартия турмушида Россия Федерацияси партия ташкилотларининг салмоғини эътиборга олиб, Сиёсий бюро сизларнинг муҳокамангизга бу бюрога КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари бошчилик қилсин, деган таклифни киритади.

Бюро составига РСФСРдаги партиявий иш ва иқтисодий-иқтисодий сиёсат масалалари билан шуғулланаётган Марказий Комитет секретарларини, республика Олий Совети ва Министрлар Советининг Раисларини, шунингдек, бошқа ўртоқларни киритиш мумкин бўлур эди. Келинглар, бу ўринда мансабдорлик принципи тазйиқ ўтказмаслиги ва шу билан бирга биз етарлича обрў-эътиборли ва ишчан партия органига эга бўлишимизни назарда тутиб маслаҳатлашиб кўрайлик. Энг мақбул вариантни излайлик.

Биз бюронинг аппарати ҳақида ҳам ўйлаб, шундай хулосага келдик: ўтмишдаги тажрибани таҳлил этиб, алоҳида аппаратни тузмаслик керак, балки КПСС Марказий Комитетининг ҳозирги аппарати бир қисмини Россия Федерациясидаги партиявий иш масалалари билан шуғулланадиган қилиш лозим. Ўртоқлар. Бу аппарат, аслида, ҳозир ҳам шу иш билан шуғулланмоқда. Фақат унинг вазифалари ва масъулият меъёрини аниқ белгилаб, кўрсатиб қўйиш лозим.

Хўш, Россия бюроси олдида турган энг муҳим вазифалар нималардан иборат? Булар — аввало, сиёсий вазифалардир. Бу вазифалар қайта қуриш ва демократиялаш жараёнларини ривожлантириш билан, Россияда Советларнинг чинакам халқ ҳокимияти системасини мустаҳкамлаш билан, Россия Федерацияси партия ташкилотларининг раҳнамолик ролини ошириш билан боғланган. Бюро вақти-вақти билан энг аҳамиятли муаммолар юзасидан Умумроссия партия конференцияларини чақириб туриши мумкин бўлур эди.

Сўнгра Бюро республика миқёсидаги иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишдан, республикани хўжалик ҳисоби ва иқтисодий мустақиллик изига кўчиришга тайёргарлик кўришга алоқадор вазифаларни ҳал этишдан четда тура олмайди. Энг муҳими эса — бутун хўжалик сиёсатида республика экономикасини соғломлаштиришга олиб борадиган, одамларнинг энг зарур эҳтиёжлари қондирилишига, уларнинг турмуш даражасини оширишга, экология вазиятини тубдан яхшилашга кафолат бера оладиган кескин бурилишни амалга ошириш зарур.

Марказий Комитет Россия бюросининг, республика Олий Совети ва ҳукуматининг энг муҳим вазифаларидан бири Россия, Узоқ Шарқ, Сибирь, Урал, Волгабўйи, Марказ, Шимоли-Ғарб, Шимолий Кавказ каби йирик регионларни ўз ичига олишини назарда тут

«АЛАНГА» ИЗЛАНИШДА

Чиноз ноҳиясидаги байналмилалчи-жангчи Илҳом Шарипов номли пионерлар уйида унинг директори Абдунаби Орипов етакчилигидаги «Аланга» қизил изтопарлар отряди фаолият кўрсата бошлаганига икки йил бўлди.

Унинг ишида шу ердаги мактабларнинг 5—10 синфларида таҳсил кўраётган 30 ўқувчи иштирок этмоқда. Улар ўз фаолиятларини Афғонистон республикасида хизмат қилган чиноэлик байналмилалчи-жангчилар рўйхатини тузишдан бошлашди ва ҳарбий комиссариат ходимларининг кўмаги билан қисқа вақт мобайнида жами 265 байналмилалчи-жангчи номини аниқлашга муваффақ бўлишди. Шундан кейин отряд аъзолари ҳалок бўлган ҳамюртлари Илҳом Шарипов, Бахтиёр Ғофуров, Аъзам Исмоилов, Наби Абдурахмонов, Садриддин Тосхонов, Абдужаббор Раммқулов, Абдураззоқ Собирхонов, Озод Майтобонов, Абдулла Аматов кабиларнинг қабрларини оталиққа олдилар. Бир қатор мактаблардаги пионер дружиналари эса ана шу қаҳрамонлар номи билан аталла бошланди.

Қизил изтопарлар эндиликда мана шу марҳум жангчиларнинг ота-оналаридан мунтазам хабар олиб туришибди, уларга уй юмушларини бажаришда, томорқа ишларида кўмаклашишмоқда. Ўқувчилар уларни мактабларда ўтказиладиган турли тадбирларга таклиф этишади, байрам кунлари гуллар ва табрикномалар билан қутлашади, биргаликда марҳум жангчилар қабрларини зиёрат қилишади.

Изтопарлар ўзлари йиғган турли материаллар, шахсий буюмлар, мактублар ва бошқа ашёлардан пионерлар уйи қошида Байналмилалчи-жангчилар жанговар шуҳрати залини барпо этдилар. Бу ерда уруш ветеранлари билан турли учрашувлар, комсомол ва пионерларнинг бошқа тадбирлари ҳам ўтказилиб турилади.

Мазкур зални бунёд этишда 45-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Фарҳод Маҳмудов, 40-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Хурсандой Қўчқорова, 26-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Юлдуз Орипова, тўгараклар раҳбарлари — Жанна Владимировна Цой ва Шокиржон Ҳамроқуловлар фаол иштирок этдилар. Шунингдек, ноҳия комсомол комитети ва ҳарбий комиссариати ҳам катта ёрдам бердилар.

«Аланга» аъзолари изланишни давом эттирмоқдалар.

У. ҲИКМАТОВ.

Суратларда: «Аланга» қизил изтопарлар отряди раҳбари А. Орипов пионерларга юртдош байналмилалчи-жангчилар ҳақида ҳикоя қилиб бераяпти; ўқувчилар қаҳрамонлар ўтмишига оид материаллар билан танишмоқдалар.

Р. АЛЬБЕКОВ суратлари.

Булар сиздан миннатдор

ЧИН ЮРАКДАН

Илгарилари Чиноз ноҳиясидаги Пахта посёлкасида жойлашган шифохона ҳақида камдан-кам ижобий фикрлар айтилар эди. Йиллар ўтиб унинг моддий базаси мустаҳкамланди. Малакали шифокорлар, ҳамширалар билан мустаҳкамланди. Ҳозир беморларга муносабат ҳам бутунлай ўзгача.

Бу ерда хушмуомала, касалларга ҳозиржавоб, қўли енгил шифокорлар хизмат қилишмоқда. Бу даволаш муассасасидан нажот топиб кетаётган кишилар билан суҳбатлашиб қолсангиз, улар бош врач Набижон Бойметов, врач Орифжон Набиевлар номини самимият билан тилга оладилар. Шифо топганлар мулоҳаза дафтарига ёзиб қолдираётган дил сўзлари ҳам эътиборга лойиқ. Мен у ерда оддий меҳнат кишиларининг ҳам, Улуғ Ватан уруши ветеранларининг ҳам миннатдорчиликларини ўқидим. Улар ўз хизмат бурчларини ҳалол бажараётган Ф. Дадабоева, М. Ҳафизова, Н. Аҳмедова, М. Раҳбарова сингари ҳамширалларга, Ў. Эргашева, О. Набиев, Т. Ашуров сингари шифокорларга чин дилдан раҳмат айтганлар.

Дардига даво топган М. Қосимжонов, А. Тожибоев, Ҳ. Суярқуловлар эса ўз халоскорларидан мамнунликларини чин юракдан изҳор қилиш билан бирга, шифохонанинг саранжом-саришталиги, орасталиги ҳақида ҳам илиқ сўзларини баён этишган.

Г. МАМБЕТОВА.

НОНДАН... БОЛТ ЧИҚДИ

Газетадаги фаолиятимиз давомида турли «машмаша»лар устидан чиқамиз, антиқа воқеалар гувоҳи бўлишга тўғри келади. Қуйида биз сизга ҳикоя қилиб берадиган воқеани эса ҳам ғаройиб, ҳам ачинарли деса бўлади. У пойтахтимиздаги Ҳамза ноҳияси озиқ-овқат савдоси бўлимига қарашли 28-магазинда содир бўлди.

29 ноябрда Ғалабанинг 40 йиллиги даҳасида истиқомат қилувчи «Н» исмли аёл нонуштага магазиндан 1-навли булка нони харид қилди. Эндигина юмшоқ нон билан чой ичишга ўтириб, уни кесаётганида ўткир пичоқ қаттиқ бир нарсага қадалди. Ҳайрон бўлган хонадон соҳибаси нонни кўздан кечира бошларкан, унинг ичида мойга беланган, узунлиги чамаси 5—6 сантиметр келадиган болт ётганини кўрди. Бундан қаттиқ ранжиган аёл, ана шу нон харид қилинган магазин томон отланди...

Ушбу воқеадан хабар топгач, мен ҳам ана шу магазин томон йўл олдим.

Магазин мудирининг хонаси. Бу ерда ана шу маҳсулотни ишлаб чиқарган 1-нон заводи вакиллари ўтиришибди. Завод катта бракковкачиси Ибодат Сулаймонова ҳамда унинг айтишича бу ишга мутлақо алоқаси бўлмаган, ҳозирча партком секретари вазифасини бажараётган Абдулла (фамилиясини айтишни лозим топмади)лар билан бўлган суҳбатимиз чоғида мазкур корхона шаҳарда етакчи ўринларни эгаллаб келаётгани, 4 бор байроқдор бўлганлиги, ҳозирги пайтда янгича иш шароити — хўжалик ҳисобида ишлаши маълум бўлди.

— Шу сабабли ҳам барча ишимизни ташлаб бу ерга келдик,— дейди И. Сулаймонова.— Бу воқеанинг «қаҳрамон»лари албатта жазоланади. Келинг пашшадан фил ясамайлик.

— Сиз ҳам бизга тушунингда,— деб суҳбатга қўшилди Абдулла,— заводимизнинг аксарият ишчилари узоқдан келиб ишлашади. Шароитимиз оғир. Баъзи дастгоҳлар 1929 йилдан бўён ишлатиб келинмоқда. Ҳа энди битта-яримта дастгоҳнинг бирор қисми бўшаб тушиб қолган бўлиши мумкинда! Чорасини кўрамиз. Келинг ёзмай қўяқолинг. Бу ҳолга чек қўйилади. Харидордан ўзимиз узр сўраймиз...

Маълум бўлишича бундай воқеалар, яъни маҳсулот сифатига харидорлардан эътирозлар тушиши илгари ҳам бўлган экан. Ўшанда ҳам новвойларимиз узр сўраб, бундай номаъқулчилик бошқа қайтарилмайди, деб ваъдалар беришган. Аммо ҳануз иқда бурилиш ясалганича йўқ. Ҳамон қуйган, чала пишган, ичи берч, шакли қийғир-қийшиқ нонлар тайёрланмоқда.

Магазиндан чиқиб кетар эканмиз, унинг мудири М. Муҳамедов ҳам бу воқеани матбуот орқали ёритмаслигимизни илтимос қилди. Бу илтимос мени анча ўйлантириб қўйди. Наҳот магазин мудири бизнинг бундай ҳолларга бепарволик билан қарашимиз, «мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида иш тутаётганларни кўриб-кўрмасликка олишимиз ёмон оқибатларга олиб келишини англаб етмаётган бўлса?!

Юқорида баён этилган ҳодисага ҳам кўз юмиб ўтсак, бундан завод ва фабрикалар янада сифатсизроқ маҳсулотлар ишлаб чиқармаслигига ким кафил бўла олади? Ҳеч ким. Шундай экан, лоқайд бўлмайлик. Ўзимизга ҳамда теварак-атрофимиздагиларга талабчанроқ бўлганимиздагина еяётган нонимиз ҳам, кияётган кийимларимиз ҳам сифат жиҳатдан бизни қониқтирадиган бўлади...

А. ҲАКИМОВ.

ТАСС фотомухбири тасвирга туширган ушбу суратда Ленинграднинг Москва ноҳиясидаги нон заводида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга бўлган муносабат акс эттирилган. Бепарволигимиз натижасида бизнинг нон заводларимизда ҳам шундай ҳоллар рўй бериши мумкин. Бунга йўл қўймаслик керак!

ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРАСИДА

БИРГАЛИКДА КУРАШАЙЛИК

Вилоят прокуратурасида идораларо кенгаш ўтказилиб, унда вилоят прокуратураси, вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбарлари ва алоқадор ходимлар иштирок этдилар. Кенгашда қасддан ўлдириш ҳодисаларини текшириш, жиноятларнинг очилиш даражаси ва бу борадаги ишларни яхшилаш тадбирлари ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Йиғилишни очган вилоят прокурори А. М. Маннонов мавжуд шароитда муҳокама қилинаётган масаланинг аҳамияти ва ишларни такомиллаштириш йўлида қўшимча тадбирлар белгилаш ҳақида фикр юритди.

Вилоят прокурорининг ўринбосари В. И. Баймеев муҳокама қилинаётган масала юзасидан маъруза қилди.

Кенгашда шу йилнинг ўн ойи ичида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қасддан одам ўлдириш 13, 2 фоизга кўпайганлиги таъкидланди. Чиноз район прокурори Т. Шукуров, Чирчиқ шаҳар прокурори С. Акромов, вилоят прокуратураси катта терговчилари А. Худойқулов, Х. Тошохунов, Салор посёлкаси милиция бўлими бошлиғи В. Аҳмедов ва бошқа кишиларнинг билимдонликлари, маҳоратлари бой тажрибалари туфайли бир қатор мураккаб жиноятлар очилди, қуролланган жиноий гуруҳлар қўлга олинди.

Шуни ҳам айтиш керакки, айрим шаҳар ва район прокуроролари, ички ишлар органлари бўлим бошлиқлари биргаликдаги тадбирлар устидан талаб даражасида назорат ўрната олмаябдилар. Баъзан шундай ҳам бўлмоқдаки, ички ишлар бошқармаси навбатчи хизмати вилоят прокуратураси навбатчи терговчиларига юз берган ҳодиса ҳақида ўз вақтида хабар бермайдилар.

Вилоят ва шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасида доимий алоқа етишмайди. Айрим вақтларда ички ишлар органлари ходимларининг ўз вақтида шошилинч чоралар кўрмасликлари, масъулиятсизликлари туфайли жиноятчиларнинг жазодан қутулиб кетиш ҳоллари ҳам учрамоқда.

Кенгашда юз берган камчиликларни бартараф этиш, қасддан ўлдириш ҳодисаларини текшириш ҳамда жиноятни очиш даражасини ошириш мақсадида ҳар ой ниҳоясига етмаган ишларнинг аҳволи ҳақида прокуратура ва ички ишлар бошқармасида ҳисоботларни эшитиб боришга қарор қилинди. Вилоят прокуратураси тергов бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Р. Хўжаев, область ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлими бошлиғи Ғ. Тошматов зиммаларига аниқ вазифалар юкланди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ

ЮҚОРИ БОСИМЛИ КАМ ОЛТИНГУГУРТЛИ МАГИСТРАЛЬ ГАЗ ҚУВУРИ!

Сизнинг районингиз территорияси бўйлаб умумдавлат аҳамиятига эга бўлган қимматбаҳо иншоот — «Шўртан-Сирдарё, Тошкент ва Янги Ангрен ГРЭСи» кам олтингугуртли магистраль газ қувури трассаси ўтган.

Юқори босимли магистраль газ қувури ёнғин чиқиши ва портлаш хавфи бўлган объект ҳисобланади. Бу газ қувури бўйлаб транспортировка қилинаётган кам олтингугуртли газ хавфли заҳарловчи хоссаларга эгадир.

Хавфсизлик мақсадларида газ қувурининг муҳофаза зонасида (унинг ҳар икки томони бўйлаб 500 метрлик масофада)

ҚУЙИДАГИЛАР ҚАТЪИЙ МАН ҚИЛИНАДИ:

— бирон-бир иморатлар қуриш, дала шийпонлари, ғалла хирмонлари ва заправка пунктларини жойлаштириш, ҳайвонлар суғориладиган сувлоқлар ва қўралар ташкил қилиш, силос сақланадиган чуқурлар қазиш, пичан ғарамлаш, пахтани қуритиш ва сақлаш учун майдончалар қилиш, қум-шағал ва бошқа карьерлар барпо этиш, ахлат тўплаш, сомон ва қишлоқ хўжалик чиқитларини ёқиш, одамлар, ҳайвонлар, техника ва бошқа моддий бойликларнинг тўпланишига йўл қўйиш.

Газ қувурининг муҳофаза зонасида олиб бориладиган қишлоқ хўжалик ва қурилиш-монтаж ишлари, шунингдек газ қувурининг муҳофаза зонасига туташадиган ҳар қандай иншоотлар қурилишини лойиҳалаштириш, унинг бирон-бир коммуникациялар билан кесишуви фақат «Узбектрансгаз» бошқармаси билан келишилган ҳолда ва ана шу бошқарма томонидан белгиланган техникавий шароитларда бажарилиши керак.

«УЗБЕКТРАНСГАЗ» БОШҚАРМАСИНИНГ АДРЕСИ: Тошкент шаҳри, ГСП, Педагогика кўчаси, 31 «а» уй. Телефонлар: 56-38-07, 56-40-18.

ЁДИНГИЗДА БЎЛСИН!

ЮҚОРИДА АЙТИЛГАН ҚОИДАЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ — СИЗНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНГИЗ ГАРОВИДИР!

«ЎЗБЕКТРАНСГАЗ» МАГИСТРАЛЬ ГАЗ ҚУВУРЛАРИ БОШҚАРМАСИ.

РЎЗҒОРБОП СОПОЛ БЎЮМЛАР

Одатда квартира даҳлиздан бошланади, дейишади. Бу меҳмонлар нуқтаи назаридан тўғри. Оила аъзолари учун эса квартира ошхонадан бошланади. Ошхонада биз кўпинча нонушта қиламиз, тушлик қиламиз, яқин дўстларни қабул қиламиз, тор доирадаги оилавий кенгашларни ўтказамиз.

Ошхонани баъзан уйнинг кўзгуси ҳам дейишади. Шундай экан, унинг жиҳозларига алоҳида эътибор бериш — чиройли идишлар, кўркам сопол буюмлар билан безатиш керак.

Уй бекаларига Товоқсой маиший химия заводи ишлаб чиқарган сопол буюмлар термаларига, айрим дастурхон безакларига эътибор беришни маслаҳат берамиз. Уларнинг орасида бир литр сиғимли чойнаклар, пиёлалар, косалар бор. Гул қўйиш учун Тошкент қурилиш материаллари комбинати ишлаб чиқараётган сопол кўзаларни таклиф қиламиз.

Сопол идиш-товоқларни «Ташхозторг» магазинларидан харид қилиш мумкин.

«Узхозторг»нинг Тошкент областлараро базаси.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

ЛАЧПЛЕСИС илл. Г. ВИЛКСА

КОРОҒЛУ илл. А. ГАДЖИЕВА

Филателистлар, сизлар учун!

МАРКАЛАРДА ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ

Почта маркаларини йиғиш билан шуғулланувчилар филателия магазинларидан янги туркумдаги маркаларни харид қилиш имконига эга бўлдилар. Савдога СССР халқлари чолғу асбоблари тасвири туширилган маркалар чиқарилди. Улар орасида хусусан рус, украин мусиқа чолғу асбобларига бағишланган марка ҳам бор. Шунингдек, филателиянинг ушбу янги туркумидан ўзбек халқ чолғу асбоблари — ноғора, ғанг, карнай, рубоб, ғижжаклар тасвирини ўзида акс эттирган марка ҳам жой олган. Ушбу янги маркаларнинг бари ўзига хос миллий нақшлар билан безатилганлиги ҳам уларга алоҳида жозиба бахш этади. Бунда уларни нашрга ҳозирлаган рассом А. Насибулиннинг ҳам ҳиссаси катта, албатта.

Филателия мухлислари эътиборига шунингдек «СССР халқлари достонлари» туркумини давом эттирувчи янги маркалар ҳам ҳавола этилмоқда. Уларнинг ҳар бири ёнида изоҳнома билан чоп этилган. Масалан, рассом Вахтанг Онианн томонидан безатилган ва грузинларнинг «Амираниани» деб номланмиш кўҳна достони шарафига чиқарилган янги марка изоҳномасида қуйидаги сўзларни ўқиймиз: «Амираниани» — грузин халқининг қадимий достони бўлиб, худоларга қарши бош кўтарган Амирани ҳақидадир. Эрамиздан аввалги II минг йилликнинг II ярмида битилган. Амирани ҳақидаги ривоят қадимий Грециянга ҳам ўтиб, у ерда Прометей ҳақидаги афсона билан уйғунлашиб кетган».

Оқтой Гажиев чизган расмлар асосида чоп этилган иккинчи марка эса озарбайжон халқининг эпик ёдгорликларидан бири — «Ғўрўғли» достонига бағишланган. Маълумки, бу достонда паҳлавон қўшиқчи образи орқали жаҳолат ва зулмга қарши курашган халқнинг асл фарзандлари тараннум этилади.

Яна бир марка Литва миллий маданиятига чуқур сингиб кетган афсонавий достон-эртак — «Арча —иллонлар қироличаси» асарига бағишланган. Бу қадимий асар сюжетидан адабиёт ва драматургияда, саҳнавий, мусиқавий ва тасвирий санъатда кенг қўлланилади. Маркадаги тасвирлар муаллифи эса рассом Альбина Макунайтедир.

Шу туркумга кирган ва рассом Илья Богдеско томонидан ишланган тасвирлар асосида чоп этилган бошқа бир марка молдаван халқ оғзаки ижодиётининг дурдонаси, чўпонлар қасидаси — «Миорица»га бағишланган. Бу достон илк феодализм даврида дунёга келган бўлиб, заминдорлар жамияти иллатларига қарши инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган. Қасиданинг асосий мавзуси — инсоний қувонч ва мамнуният манбаи бўлмиш табиат ва меҳнатга муҳаббатдир.

1841—1902 йилларда яшаб ижод этган шоир А. Пумпур томонидан латиш халқининг афсона ва ривоятлари, қўшиқлари бўйича ёзилган «Лачплесис» достони ана шу туркумдаги маркаларнинг сўнггисига асос бўлди. Унинг қаҳрамони Лачплесис латиш халқининг салб юришига қарши кураши ифодачисидир. Маркадаги қаҳрамоннинг ёвуз кучлар вакили билан яккамаякка олишуви лавҳаси рассом Гирт Вилькс мўйқаламига мансуб.

Филателия магазинларида бундан ташқари социалистик ва ривожланаётган мамлакатларнинг турли хил маркалари билан ҳам савдо қилинмоқда. Коллекционерлар бу ердан спорт, ҳайвонот олами, коинотнинг забт этилиши, рангтасвир санъати намуналари ва бошқа кўплаб мавзулардаги маркаларни харид қилишлари мумкин.

Э. ТЎЛАГАНОВ,
«Филателия» магазини мудири.

МИОРИЦА илл. И. БОГДЕСКО

АМИРАНИ илл. В. ОНИАНИ

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

ЁШ ФЕЛЬЕТОНЧИЛАР МАКТАБИ ТИНГЛОВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Муштум» журнали қошида ташкил этилган Ёш фельетончилар мактабининг навбатдаги машғулоти 13 декабрь соат 16.00 да бошланади.

Ёш фельетончилар мактабига барча қизиққан ўртоқларни таклиф қиламиз.

«МУШТУМ» журнали редакцияси.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916; 325748; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; БЎЛИМЛАР: идеология — 325778; агросаноат — 325647; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий советлар ҳаёти — 325733; социал масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик — 325645; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи совет қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

Р. — 01579. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64684. Б. — 1739. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12